

Мен бошқа жойдан иш топганим учун ҳозирги жойимдан кетмоқчиман. Лекин иш кўпчилиги туфайли олдинги йилларда бир-икки марта меҳнат таътилини олмаганман. Бу ҳолат ишдан кетаётган вақтда ҳисобга олинадими?

7 бет

Аммо ўша кунни галати ишлар бўлиб ўтди. Аввалига унга Шириннинг қариндоши Шаҳризода айтиб туриб, иккита тилхат ёзди. Тилхатнинг бирида гўёки у Шириндан 10 минг АҚШ доллари қарз олгани, иккинчисида хорижга ўз ихтиёри билан кетаётгани ёзилди.

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir

НУҚУҚ



1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 22-sentabr, №38 (767)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 14 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2011 йил 26 августда маъқулланган

1-модда. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тасдиқланган (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқласин;

Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент ви-

лоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқласин; ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминлансин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Тошкент шаҳри,
2011 йил 14 сентябрь
№ УРҚ-296

И.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикасининг "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида"ги Қонунига илова

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати

1. Қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган уй-жойга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) — хусусий мулк қилиб олинган уй-жойга.

2. Қариндошлар — ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари доимий прописка қилинган уй-жой майдонида.

3. Васийлик ва ҳомийликдаги шахслар — васий (ҳомий) доимий прописка қилинган уй-жой майдонида.

4. Ота-онаси бўлмаган вояга етмаган туғилган ака-ука ва опа-сингиллар, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи бўлмаган вояга етган туғилган ака-ука ва опа-сингиллар — ўзларининг туғилган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий прописка қилинган уй-жой майдонида.

5. Эр (хотин) — хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонида, башарти камидан бир йил биргаликда яшайётган бўлса.

6. Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлган фуқаролар — улар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш масаласи юзасидан муҳожаат этган тақдирда.

7. Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлган фу-

қаролар — улар Тошкент вилоятида бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш масаласи юзасидан муҳожаат этган тақдирда.

8. Илгари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар — ўқини, ишни, узоқ муддатли хизмат сафарини тугатганидан, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилганидан кейин доимий яшаш учун тегишли Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига қайтиб келганда.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти билан қилишган ҳолда лавозимларга сайланган, тайинланган, тасдиқланган фуқаролар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) — мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга.

10. Қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланган фуқаролар, шунингдек

уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) — мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга.

11. Давлат ҳокимияти органларига, давлат ва ҳужал бошқаруви органларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга тақлиф этилаётган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) — мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ—694-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий изматчиларини ўй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомига мувофиқ уй-жой билан таъминланган ҳарбий хизматчилар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари).

Изоҳ: ушбу Қонун қучга кирганидан кейин мазкур Рўйхатнинг 3, 5, 9 — 12-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқароларнинг қариндошлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинмайди.



Бош прокуратурада

Дўстона ришталар

Б.ЖОНИКУЛОВ,

Бош прокуратура бўлим бошлиғи

2011 йилнинг 20 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Ҳ.Қодиров Польша Республикаси Олий суди Биринчи Раиси Станислав Збигнев Давровски бошчилигидаги Олий суд делегациясини Ўзбекистонга ташриф доирасида қабул қилди.

Қабулда Польша Олий суди Жоноят ва Фуқаролик Палаталари судьялари, Ташкилий бюро директори ҳамда Польша Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Мариан Пшездзецилар қатнашдилар.

Учрашув давомида Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги ҳамкорлик ҳаммасларнинг бевоқиф алоқалари ва норматив базанинг янада кенгайтиши ҳисобига узлуксиз ривожланиб бораётганлиги қайд этилди.

Жумладан, Ўзбекистон прокуратураси делегациясининг Польшага 2011 йилнинг март ойидаги ташрифи кунларида Польша Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва маъмурият, Адлия вазирлиги, Ички хавфсизлик агентлиги ва Судларда иш юритув ва прокуратура Давлат академиясида учрашувлар бўлиб ўтиб, уларда иккитомонлама манфаатларга доир масалалар муҳокама қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ва Польша Судларда иш юритув ва прокуратура Давлат академияси ўртасида ҳамжихатлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзоланган эди.

Польша Олий суди делегациясининг бугунги кундаги Ўзбекистонга қилган ташрифи иккала давлат ваколатли органлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни янада чуқурлаштиришда наватбадаги босқичидир.

Меҳмонлар Ўзбекистон прокуратура органларининг ҳуқуқий статуси, фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда судларда турли тоифадаги ишларнинг кўрилишида прокурорнинг ваколатлари билан таништирилди.

Учрашув иштирокчилари судларда ишларни юритиш хусусида ахборот алмашиниб, ҳар иккала давлатда бу борада мавжуд ўхшашлик ва фарқлари қайд этиб ўтдилар.

Ташриф якунида меҳмонлар иккитомонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга янгича туртки берган музокарадан қаноатланганлигини қайд этиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида кўрсатилган самимий қабул учун ўз миннатдорлигини билдирдилар.

Қабул хайрихолик ва дўстона вазиятда ўтди.

Обуна — 2012

Ҳурматли юртдошлар!

2012 йилда ҳам "НУҚУҚ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

ОБУНА БЎЛИШГА КЕЧ ҚОЛМАН!

НАШР ИНДЕКСИ — 231

Ҳуқуқий саводхонлик зарур

Ҳушнур МАКСУДОВ,
Навобий вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

Инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, шубҳасиз энг олажаноб туйғулардан биридир. Ана шу туйғунинг оёғи ости қилиш киши маънавиятининг қаш-шоқлашганидан далолат беради. Фирибгарлар, яъни алдаш ва ишонч-ни суниестемол қилиш орқали пул топишни касб қилиб олганлар ҳамма даврларда ҳам бўлган. Аммо бугунги шашаатли ва тез суръатларга ривожланган, шунга мос тарзда одамларнинг ҳою ҳаваслари ҳам ортиб бораётган замонамизда бундай тоифа одамлар кўпроқ учраётгандай туюлади.

Афсуски, орамизда фирибгар ёки товламачиларнинг найрагларига ҳақ чўш тушиб қолганлар учраб туради.

Навобий шахрида яшовчи Ринат Хайруллин ҳеч қандай ёлчилик ишласа-да, тўкин-сочин яшашни орзу қилдиганлар тоифасидан экан. Илгари бир бор жазо ўтаб чиқиб ҳам кўзи очилмаган Р.Хайруллин пул топишнинг галати, аммо "сингал" усулини танлайди. Аввало у савдотикка оид қонунчилик, мавжуд тартиб-қоидалар билан танишиб чиққан бўлади. Бу нарсани унинг "бизнеси"да асқотди. "Савдо фаолияти билан шугулланмоқчи экан-да" дейишга шошилманг. Унинг нияти бутунлай бошқа экан.

Бу "билимлар" унга савдо-сотик билан шугулланиб келаётган тadbиркорлар фаолиятини "таҳлил" қилишда асқотган. Яъни у Навобий шахридаги айрим тadbиркорлар фаолиятида учрайдиган ноқонуний ҳолатларни аниқлаб, бу ҳақда тегишли идораларга хабар бермаслик эвазига улардан товламачилик йўли би-

лан пул талаб қилиб келган. Шу тариқа у ўнга яқин тadbиркорларнинг пул ва бошқа моддий бойликларини қўлга киритиб юрган.

Р.Хайруллиннинг бу "бизнеси"га ҳуқуқ-тартибот ҳодимлари томонидан вақтида нуқта қўйилди ва Жиноят ишлари бўйича Кармана туман судининг ҳукми билан беш йилга озодликдан маҳрум этилди.

Хатирчилик Ҳазратқул Қурбонов эса бу борада "осилсанг катта дорға осил" қаби-лида иш тутган экан. У Қизилтепа туманида жойлашган "Темур Малик" МЧК раҳбарларини МЧК томонидан Зарафшон шаҳрида амалга оширилган қурилиш ишларида камчиликларга йўл қўйилганини, агар 30 млн. сўм беришмаса бу ҳақда тегишли ташкилотларга хабар беришини айтиб, товламачилик йўлини тутган. У аниқланган камчилик ва ўзлаштиришлар ҳақида юқори ташкилотларга ариза ёзмаслик эвазига МЧК ҳуқуқшуносидан 19 млн. сўмни олаётган пайтида ҳуқуқ-тартибот ҳодимлари томонидан ушланган. Жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг ҳукми билан товламачи Х.Қурбонов тегишли жазосини олди.

Фирибгар ва товламачининг пешонасига бу фирибгар, бу товламачи деб ёзиб қўйилмаган. Кечагина тулпа-тузуқ юрган киши эртасига фирибгарлик кўчасига кириб қолаётганига кўп бор гувоҳ бўлиш мумкин. Ана шундай кимсанинг ғаразли мақсадини тушуниб олиш учун инсонга фаҳм, ақл-идрок берилган. Ўз ҳуқуқини яхши билган, ҳуқуқий саводхон киши ниманинг қонунга тўғри келишини, ниманинг қонунга зид келишини дарҳол англайди. Ноқонуний иш учун жавобгарлик борлигини тушуниб етди. Фирибгар ёки товламачининг тўғрига ҳеч қачон илинмайди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Бухоро вилоят бошқармасининг ва унинг ҳуқуқий бўлимлари томонидан тadbиркорларни қўлаб-қувватлаш, солиқ тўловчиларни қўпайтириш, қўшимча иш ўринларини яратиш орқали солиқ базасини кенгайтириш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортишнинг янги механизми ва каналларини аниқлаш, солиқ ва валютага оид жиноятлар, коррупция, ҳуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Фаолиятимиз мезони

Ўтказилган тadbирлар натижасида қўшимча 102 та янги ишчи ўринлари яратилди, 25 та тadbиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатилди.

Жумладан, Департаментнинг Ғиждувон туман бўлимига "Ғиждувон машҳу-раси" хусусий фирмаси раҳбари Замира Сафарова муурожаат қилиб, ўз тadbиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида янги хатид қилинган тикув максиналарни ўрнатиш учун туман ҳудудидан жой ажратилишига амалий ёрдам беришни сўраган.

Бўлим ҳодимлари ҳамда Ғиждувон туман ҳокимиёли билан ҳамкорликда Ғиждувон туманидаги МТП ҳудудидagi фойдаланилмаётган чилангарлик цехини ишбу хусусий фирмага ажратилишига амалий ёрдам кўрсатилган. Натижада кийим-кечак ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилиб, қўшимча 25 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, "Ғиждувон машҳураси" хусусий фирмасига Ғиждувон буюм бозоридан савдо нуқта-си ажратилишида ва ТИФ "Миллий банк" Ғиждувон филиалидан савдо тер-минали олишда амалий ёрдам кўрса-тилади, ишлаб чиқарилган тайёр махсу-лотларини сотиш учун шароитлар яра-ти берилган.

Бошқарма ҳодимлари томонидан ўтказилган тежор-таҳлилий ва қиди-рув тadbирлари давомида 116 та жи-ноят ишлари қўзғатилди. Бюджетга 9 млрд. 282,4 млн. сўм қўшимча мабла-лар ҳисобланиб, ўндирилиши таъмин-ланди.

Ҳисобот даврида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қамайтириб кўрсатиш ҳамда тўлашдан бош торти-шинг янги механизми ҳамда каналлари-

Ақобир АҲМЕДОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи в.б.
Дилмурод АҚОБИРОВ,
матбуот гуруҳи катта инспектори

нинг ўрганилиши натижасида 45 та жи-ноят иши қўзғатилди.

Ўз хизмат ваколатларини суниестемол қилган 2 нафар банк, 16 нафар ма-халлий ҳокимият ва 2 нафар бошқа идо-ра ҳодимларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

Хорижий валютанинг ноқонуний муо-малада бўлиши ва уларни айирбошлаш билан боғлиқ тadbирлар натижасида 22 та ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, барча-си бўйича жиноят ишлари қўзғатилди.

Ҳуфиёна иқтисодиётга қарши кура-шиш, истемолчиларга сифатсиз мах-сулотлар сотилишининг олдини олиш бўйича ўтказилган тadbирларда 29 та яширин ишлаб чиқариш фаолиятига барҳам берилди. Ҳуқуқбузарлардан 233,4 млн. сўмлик махсулот, хомашё ва ускуналар олиб қўйилди.

Олиб борилган тadbирлар натижаси-да 23 млрд. 970 млн. сўм нақд пуллар-нинг банкдан ташқари айланмаси аниқ-ланиб, ушбу ҳолатлар бўйича 50 та жи-ноят иши қўзғатилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, бошқарма фаолиятининг бош мезони нафақат, со-лиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушиши-ни таъминлаш, балки солиқ тўловчилар-га ҳар томонлама амалий ёрдам бериш, уларнинг ҳуқуқий билимларини оши-ришга кўмаклашишдан иборат бўлиб, ушбу фаолият доимий равишда давом этиб келади.

Ўзингдан чиққан балога...

Ғолиб КОДИРОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси
бўлим катта прокурори

Гулсара Содикова укасининг ўғли Бехзодни ёшлигидан ўз қарамоғига олди. Бировдан кам бўлмасин, кўнгли ўксимасин, деб яхши кийинтирди, едириб-ичирди. Аммо...

Кунларнинг бирида Бехзод тўсатдан "Россияга ишлагани кетаман, пул беринг", деб қолди. Унинг бу қароридан хайрон бўлган амма:

— Бу нима деганинг, Бехзод? Ишлайман десанг ана фермада ҳам иш етарли. Бирор камчилигинг бўлса айт. Ҳамма шароитингни тўғрилаб бераётган бўлсам...

— Барибир кетаман, амма. Россияда ишлаб кўп пул топомқиман, — деди у бироз тажаниглик қилиб. Бу гап аммага оғир ботса-да, ҳар қалай индамади. Аммо қатъий оҳангда рад жавобини берди. Шундан сўнг Бехзод бошқа йўл танлади.

Кунларнинг бирида Бехзод аммаси билан бир танишиниёкига меҳмондорчиликка борди. У ердан қайтиб келгач, амма чарчаганини айтиб ухлаб қолди. Қулай фурсат-ни кутиб юрган Бехзод шкаф тортмаларини, кийимлар чўнтагини титқилаб пул қидира бошлади. Тополмагач, сандик устига тахланган кўрпаларни бирма-бир олаётган эди, улар орасидан сейфнинг қалити чиқиб қолди. Дарров сейфини очди.

Сейфда тахлам-тахлам пуллар турган экан. Суюниб кетган Бехзод шкаф тортма-сидagi целлофан пакетни олиб пулларни унга жойлади. Пулларнинг ҳаммаси па-кетга жойлашмагач, ортганини қолдириб хонани тарк этди. Пул тўла пакетни га-рахга яшириб, ухлаш учун фермага йўл олди. Эртаси кун ҳеч нима бўлмагандек аммасининг уйига келиб соғилган сутларни олиб шахарга жўнади.

— Опа, янги иморатга тўрт-беш машина тупроқ тўсиратган эдик, пулимиз ет-май қолди. Шунга қарз сўраб чиққандим, — деди Гулсаранинг синглиси Муборо.

— Майли сингилжон, — деди ҳеч нарсадан хабари йўқ Гулсара.

Улар биргалашиб уйга киришса, тахланган кўрпалар ағдарилган, сейф эса очик. Бу ҳолдан опа-сингил хангу-манг бўлиб қолишди. Сейфда турган 14 млн. 500 минг сўм пулдан 3 млн. 500 минг сўми бору, қолгани йўқ эди. Пуллар ёнидаги тилла тақинчоқлар ҳам жойида турибди. Таваба, ўғри тушган бўлса ҳаммасини олиб кет-майдимиз? Бу ҳақда роса бош қотиришиб ечимини тополмагач, ИИБга хабар бе-ришга қарор қилишди.

Бехзод сўтни топириб уйига келса ИИБ ҳодимлари келишган экан. Ҳаммани бир-бир сўроқ қилиб, бармоқ изларини олишди. Воқеанинг бундай тус олишидан қўрқиб кетган йигит кўн давомида ўйлаёвериш роса боши қотди. Сўнгга пулларни яширган жойидан олиб уй ёнидаги ариқча ташлади. Кейинчалик аммаси билан ИИБ идорасига йўл олишгаётганида бу пулларни арик ичидан "топиб" олди.

Иш судга олиб ҳаммаси ойдинлашди. Бехзод қилган ишидан чин кўнгилдан пу-шаймон эканини айтиб кечирим сўради. Ишни атрофлича ўрганиб чиққан суд Бех-зод Содикова ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоиз микдорида давлат ҳисобига ушлаб қолingan ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлади.

Улар танлаган йўл...

Ҳаққимизда "устоз отангай улуг"
деган нақл бор. Муаллимлар қадим
замонлардан юртимизда зиё аҳли
дея улугдониб, уларнинг шарафли ва
машаққатли меҳнатлари доимо
қадрланиб келинган.

О.МАҲМУДХОНОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Жиззах вилоят
бошқармаси матбуот гуруҳи катта
инспектори

Шундай бўлса-да, виждонан ишлаб келаётган таълим соҳасининг маъсул ҳодимлари орасида бундай ҳислатлардан йироқ бўлган, ўз нафсини ўйлаб, дарҳол бойиб кетиш илжида бўлганлар ҳам учраб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш депар-таментининг Жиззах вилоят бошқармаси ҳодимлари томонидан бу каби оёғи ердан узилган, устоз деган улуг номга доғ тушириб келаётган кимсаларни аниқ-лаш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Департаментнинг Жиззах вилоят бошқармаси ҳодимлари томони-дан ўтказилган тежор тadbирда Мирзачўл агро-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори вазифасини бажарувчи Б.Сагиндиқов шу коллежнинг "ҳуқуқшунослик" факультетини тамомлаган фуқаро А.Наврўзовнинг дипломини бериш эвазига унинг отаси М.Бобомуродовдан 150 минг сўмни пора тариқасида талаб қилиб, ўзининг хизмат хонасида олган вақтида ушланган.

Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежи ҳуқуқшунослик бўлими бошлиғи Х.Ҳолиқовнинг хатти-ҳаракатлари ҳамкасбиниқидан ошиб тушди.

Департаментнинг вилоят бошқармаси томонидан фуқаро Р.Сайтахметовнинг аризасига асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтқа-зилган тadbирда, бўлим бошлиғи қолғар талабаси Р.Сайтахметованинг дарс-ларини кўп қолдирганилини вақт қилиб, агар 200 минг сўм пул бермаса коллеждан ҳайдаб юбориш билан қўрқитиб, 150 минг сўмни хизмат хонасида олган вақтида ушланган.

Шунингдек, фуқаро Х.Ҳолиқовнинг хизмат хонаси кўздан кечирилганда, у томо-нидан келгусида сотиш учун тайёрлаб қўйилган Жиззах политехника институти-нинг В№ 503410 ва Г-11№ 635928 рақамли, Тошкент Давлат педагогика универи-тетининг В№ 012982 рақамли ҳамда Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар колле-жининг К№ 1494614 рақамли сохта дипломлари борлиги аниқланиб, ашёвий да-лил тариқасида олинган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Департаментнинг Жиззах вилоят бошқармаси то-монидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари би-лан жиноят иши қўзғатилган.

Шунингдек, Жиззах шаҳар уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи дирек-тори ўринбосари И.Тўраев, шу коллежнинг тарих фани ўқитувчиси Ў.Абдусамато-вага дарс соатларини қўпайтириб бериш эвазига, коллеж ҳовлисида ундан 80 минг сўм пулни тамагирлик йўли билан пора тариқасида олган вақтида ушланган.

Юқорида таъкидланган ҳолатлар бўйича суд томонидан фуқаро Б.Сагиндиқов, И.Тўраев ва Х.Ҳолиқовларга тегишли жазо тайинланди.

Албатта, улар ҳозир фарзандлари бағрида, тириклигининг ширин ташвишлари билан елиб-юғуриб, ҳалол меҳнатлари эвазига хотиржамликда яшаб юришлари мумкин эди. Афсуски, ушбу йўлни уларнинг ўзлари танлашди. Жиноятга эса жазо муқарар.

Ҳаққоний талаблар қондирилмоқда

Бошларига иш тушган, тегишли муассасаларда муаммолари ҳал бўлмаган фуқаролар нажот истаб, прокуратура органларига мурожаат этишмоқда. Прокуратура органлари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда қўриб чиқяпти. Асосан, ҳаққоний талаблар қонунга мувофиқ равишда ҳал қилиниб, мурожаат этганларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланяпти.

Хусусан, Тошкент вилоятидаги жазони ўташ муассасаларидан бирида сақланаётган А.Шарипова фуқаролик судига ўй-жой масаласини қўриб чиқиш бораида даъво аризаси ёзган. Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро суди унинг даъво аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақида ақрим чикарган. Шундан сўнг А.Шарипова Фаргона вилоят прокуратурасига мурожаат этган. Унинг аризаси ўрганиб чиқилиб, суднинг ақримини бекор қилиш, ишни биринчи инстанция судида қўриб чиқишга юбориш ҳақида кассация протести киритилди. Протест фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судида қўриб чиқилиб, қаноатлантирилди.

Фуқаро М.Мирзалиевнинг вилоят прокурори номига ёзган аризасида баён этилишича, фуқаро Ё.Абдумаликов вилоят ИИБ кадрлар бўлимида иш-

Саъдулло ҲОШИМОВ,
Бош прокуратура бўлим катта прокурори
Азизжон МАМАТҚУЛОВ,
Фаргона вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

лайман, ўғлингизни ишга киритиб қўяман, деб 4 млн. сўм пулини алдаб олган. Пулни қайтариб бермасдан сарсон қилган. Ушбу ариза бўйича ўтказилган текшириш натижасига кўра, Ё.Абдумаликовга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Бошқа бир фарибгар М.Юсупова эса банкдан имтиёзли кредит олиб беришни ваъда қилиб, М.Таштемированинг 1879 АҚШ доллари ва 876 минг сўм пулларини қўлга киритган. М.Таштемированинг шаҳар прокуратурасига йўллаган аризасини ўрганиш жараёнида ушбу ҳолат тасдиқланиб, М.Юсуповага нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "а" банди билан қўзғатилган жиноят иши тергов ҳаракатлари олиб борилиши учун шаҳар ИИБга юборилди.

Учкўприк туман прокуратураси томонидан фуқаро Ж.Қодированинг аризаси ўрганилди. Турмуш ўртоғи Н.Қодиров уч нафар воёга етмаган фарзандларига алимент тўлашдан бош тортиб юргани, 12 ой мобайнида жами 1 млн. 322 минг сўм тўламагани аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, туман ИИБ томонидан тергов қилина бошланди.

Кува туман прокуратурасида фуқаро У.Қўшмоқовнинг аризасида келтирилган далиллар ҳам тасдиқланди. "Барака Янгиқош" фермер хўжалигининг раҳбари О.Арипов хўжаликка қорвачилик йўналишида фойдаланиш учун ажратиб берилган ер майдонининг бир қисmini тап тортмасдан пуллаган.

Фуқаролар И.Қорабоев ва Р.Ҳамрақуловларнинг ҳар бирига 0,08 гектардан иборат ер майдонларини 6 млн. 400 минг сўмданга сотиб юборган О.Арипов жиноий жавобгарликка тортилди.

Фуқаро А.Юлдашев Фуқрат туман прокуратурасига мурожаат қилиб, асосси равишда тугатилган фермер хўжалиги фаолиятини қайта тиклашда амалий ёрдам беришни сўраган. Аризани ўрганиш мобайнида чиндан ҳам туман ҳокими томонидан фермер хўжалиги ерларини туман захира ер майдонларига қайтариб олиш ҳақида гайриқонуний қарор қабул қилингани аниқланди. Протест келтирилиб, туман ҳокимининг қарори бекор қилинди, ер майдонларига "Қодир ота" фермер хўжалигига қайтарилди. Фермер хўжалиги раҳбари А.Юлдашевнинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

Таъкидлаш жоиз, Фаргона вилоят прокуратураси органлари томонидан Бош прокурорнинг буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш тартиби тўғрисида" ги Йўриқнома талабларига қатъ-

ий риоя қилинмоқда.

Вилоят прокуратураси органларида ярим йил мобайнида фуқаролар ва юридик шахслардан 4204 та ёки ўтган йил шу даврига нисбатан 671 та кўпроқ ариза ва шикоятлар келиб тушган. Уларнинг 1976 таси, яъни 47 фоизи бевосита прокуратура органларида ҳал этилиб, 314 таси ёки салкам 16 фоизи қаноатлантирилган.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари кўтарилган 58 та, тергов ва суриштирувга оид 3 та, суд қарорларининг ижро этилиши ва қамоққа олиналганларни сақлашда қонунларга риоя қилиниши бўйича 38 та, қишлоқ хўжалигига оид қонунлар юзасидан 6 та, воёга етмаганларнинг ҳуқуқларига доир қонунлар ижроси бўйича 5 та, бошқа масалаларда 35 та аризалар қўриб чиқилган ҳақда 153 нафар фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Проккурорлар, уларнинг ўринбосарлари белгиланган қўларда фуқароларни қабул қилиб, арзларини тинглашяпти. Шу билан бирга, бевосита яшаш жойларида меҳнат жамоаларида қабул ўтказишяпти. Олти ой мобайнида 4201 нафар, ўтган йил шу даврига нисбатан 698 нафардан зиёд фуқаролар қабул қилинди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш, шунингдек, бошқа турли масалаларда келиб тушган мурожаатлар қонуний қўриб чиқилмоқда. Ҳаққоний талаблар қондирилмоқда. Ноҳақ талаб ёки эътирозларнинг эгаларига қонун нормалари тушунтирилиб берилмоқда.

Тадбиркор ҳуқуқи кафолатланади



Янгиариқ туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида" ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Албатта, мамлакатимизнинг тез суръатларда тараққий этиб боришида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни катта. Тадбиркорларнинг иқтисодийдаги улуғи йил сайин ортиб бораётганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Амалий тажрибалар бозор муносабатларини шакллантиришда, янги иш ўринлари ташкил қилиш, аҳоли даромадларини ошириш, шунинг эвазига турмуш фаровонлигини таъминлашда кичик бизнеснинг аҳамияти катталигини кўрсатмоқда. Шу боис ҳам мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва ху-

сусий тадбиркорлик йили", деб эълон қилиниши бунинг ёрқин исботидир.

Бирок барча жойда тадбиркорлар ҳуқуқлари бирдай ҳимоя қилинганлиги деб айтиш қийин. Биз бунга оқорида тилга олинган қонун ҳамда бошқа қонунности ҳужжатлари ижроси юзасидан ўтказган текширишларимизда амин бўлдик.

Мана бир мисол. 2001 йил 29 март куни яқка тадбиркор А.Ибрагимов туман ҳокими номига, унга қарашли бўлган хусусий дўкон лойдан қурилган эски бино бўлганлиги сабабли ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган замонавий дўкон қилиб қайта қуриб, фаолиятини кенгайтиришга рухсат беришни сўраб ариза ёзган. Ушбу ариза қонуний ҳал қилиш учун туман бош архитектори Ш.Каримовга топширилган.

Ш.Каримов "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида" ги Қонун талабларини бузган ҳолда мурожаатни муфассал ва ҳолисона қўриб чиқмаган, зарур бўладиган қўшимча маълумотлар ва материалларни тўпламаган. Орадан 28 кун ўтиб, аризагача ушбу дўкон биносига тегишли бўлган ҳужжатларни тақдим қилгандан кейин мурожаат қўриб чиқилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берган. Бу эса тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, шу орқали туман иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўиши истагида бўлган тадбиркорнинг мурожаати асоссиз равишда рад этилишига сабаб бўлган.

Текшириш давомида Ш.Каримов бошқа қонунбузарликларга ҳам йўл қўйганлиги маълум бўлди. Унга нисбатан МЖТКнинг 43-моддаси ва 241-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Бу каби ҳолатларга барҳам бериш, туман фуқаролари ва тадбиркорлик тузилмаларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳимоясини таъминлаш, яратилган имтиёзлардан кенг фойдаланишларига қўмаклашиш мақсадида туман прокуратураси биносида "Аҳолининг ҳуқуқий мада-

ниятини юксалтиришни ташкиллаштириш маркази" ташкил қилинди.

Шунингдек, туман ҳокимлиги, тегишли давлат назорат органлари ва тижорат банклари билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини, уларнинг эркин ва тўсиқсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда асоссиз аралашувларга барҳам беришга қаратилган қўша тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, улар ижроси таъминланмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларини тезкор аниқлаш ва бартараф қилишда "007" ишонч телефонининг аҳамияти катта бўлмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ишонч телефонига келиб тушган 13 та мурожаатларнинг барчаси зудлик билан ҳал қилиниб, шундан 9 таси қаноатлантирилди ва 4 та ҳолатда мурожаат эгаларига қонун талаблари тушунтирилди.

Туман прокуратураси томонидан йўловчи ташиш билан шугулланувчи тадбиркорлар фаолиятини қонунга мувофиқлаштириш юзасидан ҳам қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Аниқланишича, туман бўйи-

Максуд ИСКАНДАРОВ,
Янгиариқ туман прокурори

ча жами 6050 та, шундан давлат секторида 450 та, хусусий секторда 5600 та автотранспорт воситалари мавжуд бўлиб, шундан фақат 72 нафар фуқаро тегишли равишда рўйхатдан ўтиб, лицензия олган ҳолда автомобил транспортда йўловчи ташиш билан шугулланиб келган.

Туман прокуратураси томонидан "Янгиариқ автомобилчи", "Янгиариқ транс" масъулияти чекланган жамиятлари раҳбарлари ҳамда автомобил транспортда йўловчи ташиш фаолияти билан шугулланиш истагини билдирган фуқаролар билан мутасаддилар иш-тироқида йиғилишлар, семинарлар ташкил қилинди. Тадбир натижасида йўловчи ташиш билан лицензиясиз шугулланиб келаётган 35 нафар фуқаро лицензия олган ҳолда фаолиятини йўлга қўйди.

Бу каби тадбирларни амалга оширишдан кўзлаган мақсадимиз туман тадбиркорларига қўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бу орқали эса элдошларимизнинг тўкин ва фаровон турмуш кечиришларига қўмаклашишдир.

Инсон жамиятта умргузаронлик қилар экан, албатта, давлат ва жамият олинмаги бурчини унутмаслиги лозим бўлади. Ахир, Конституциямизнинг 51-моддасида фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурлиги ҳақида шунчаки белгилаб қўйилмаган. Юртимизда коммунал тўловлари вақтида тўлаб бориш ҳар бир фуқароннинг энг муҳим бурчларидан бири саналади. Асмада-чи? Бунга қиммат жамийи ёнғашади, бошқа биров эса панжа орасидан қарайди.

Бурчини унутганга жазо муқаррар

Шухрат ЖҲРАЕВ,

Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ва ичимлик суви истеъмолчиларга етказиб бериш ва улардан фойдаланиш ҳамда бошқа коммунал хизматлари кўрсатиш борасидаги қонунийлик ва соҳага оид қонунлар ижроси юзасидан прокурорлик назорати ўрнатилган. Бу борада тегишли тартибда чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Тахлилларга эътибор қаратсак, бу борада камчиликлар кўп эканлиги маълум бўлди. Жумладан, "Самарқанд электр тармоқлари" акциядорлик жамияти бўйича дебитор қарздорлик 229 млрд. 953,7 млн. сўми, шундан 138 млрд. 603,4 млн. сўми аҳоли ва 91 млрд. 350,3 млн. сўми улгуржи истеъмолчилар ҳисобига тўғри келиб, жорий йилнинг январь ҳолатига нисбатан дебитор қарздорлик 20 млрд. 336,5 млн. сўмга ошган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида давлат солиқ идоралари томонидан ҳўжалик судига 44 млрд. 741,5 млн. сўмлик дебиторлик қарзларини ундириш юзасидан 105 та даъво аризи киритилган.

Бундан ташқари, вилоят ДСБ органлари томонидан ҳўжалик судига аризалар киритилгунга қадар 947 нафар қарздордан 1 млрд. 71,2 млн. сўмлик қарзларнинг ихтиёрий равишда ундирилиши таъминланган. Шунингдек, "Марказгазтаъминот" унитар корхонасининг Самарқанд вилояти бўйича дебитор қарздорлиги 215 млрд. 839,3 млн. сўми ташкил этган, шундан 200 млрд. 207,1 млн. сўми аҳоли ва 15 млрд. 632,1 млн. сўми улгуржи истеъмолчилар ҳисобига тўғри келган. Йил бошига нисбатан дебитор қарздорлик 27 млрд. 131,6 млн. сўмга ошган.

Вилоят "Сувокава" ишлаб чиқариш бошқармасининг дебитор қарзлари 4 млрд. 3 млн. сўми ташкил этиб, йил бошига нисбатан қарздорлик 119,4 млн. сўмга камайган.

Ўтказилган мониторинглар давомида коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг раҳбар ва масъул ходимлари ўз вазифаларини лозим даражада бажармасдан, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолидан коммунал тўловларни ўз вақтида ундириш борасида қонуний чораларни кўрмаганликлари натижасида кўплаб қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, Ургут туманидаги "Ургут" электр тармоқлари корхонаси мансабдор шахслари 30 фойз тўловларни амалга оширмаган истеъмолчи корхоналарга асоссиз равишда 602 та ҳолатда 3 млрд. 949,6 млн. сўмлик электр энергияси етказиб бериб, дебитор қарздорликка йўл қўйган.

"Самарқандшаҳаргаз" филиали мансабдор шахслари 629 та ургуржи истеъмолчиларга олдиндан тўлов амалга оширмасдан 243,3 млн. сўмлик табиий газ етказиб бериб, дебитор қарздорлигининг ўсишига сабабчи бўлган.

Назорат тадбирлари давомида айрим фуқаролар томонидан ўзбошимчилик билан электр энергияси ҳамда газ тармоқларига ноқонуний уланishi ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, Пахтачи тумани "Санчиўл" маҳалласида яшовчи З.Эшўттаров хонадониде электр ҳисоблагичдан ноқонуний фойдаланиб келган. У туман электр тармоқлари корхонасига 5 млн. 902,8 минг сўмлик зарар етказган.

Самарқанд тумани "Корасув" маҳалласида яшайдиган Р.Набиев 0,47 гектар ҳажмли иссиқхона қуриб, ўзбошимчилик билан табиий газ тармоқларига уланishi олган экан. У газдан ноқонуний равишда фойдаланиб келиши натижасида "Самарқанд-тумангаз" филиалига 8 млн. 264,4 минг сўмлик зарар етказган.

Электр энергияси ва табиий газ таъминоти идораларининг мансабдор шахслари томонидан фирибгарлик ва ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш ҳолатларига барҳам берилмаган. Жумладан, Пахтачи электр тармоқлари корхонаси назоратчиси Ш.Эгамбердиев ўзига бириктирилган "Бўстон" МФЙда яшовчи фуқаролардан йиғилган 263 минг сўм пулларни корхона хазинасига кириб қилмаган. "Пастдарғомтумангаз" филиали назоратчиси Х.Болтаев эса ўз худудидаги фуқаролардан 800 минг сўм табиий газ учун пулларни йиғиб олиб, талон-торож қилган. Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Бундан ташқари, Нарпай тумани "Манғит" маҳалласи "Мехрижон" қишлоғида яшовчи М.Худойбердиев хонадонидеги электр ҳисоблагичдан давлат мурди бузилган ҳолда фойдаланиб келган. Оқибатда Нарпай туман электр тармоқлари корхонасига 243,7 минг сўм зарар етказган.

Маъмур ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан М.Худойбердиевга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, қўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича туман судига юборилди.

Маъмур йўналишда ўтказилган текшириш натижаларига қўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 34 та тақдирнома киритилиб, 11 нафар шахс расман огоҳлантирилди. 272 нафар шахс маъмурий, 384 нафар шахс иттижойи жавобгарликка тортилди. 566 млн. 715 минг сўмлик етказилган зарарнинг ихтиёрий равишда ундирилиши таъминланди. Судларга 545 та 287 млн. 452 минг сўмлик етказилган зарарларни ундириш ҳақида аризалар киритилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 32 та жиноят иши қўзғатилди.

Қонунлар ижроси

Инсон манфаатига хизмат қилмоғи керак

Бугун қай бир юртдошимиз чехрасига назар солсак, шу кунлардан мамнунилик, шўкроналик аксини кўраимиз. Кўнгилларда ҳўрлик айёми шўқуҳи, эзгулик ила яшаётган замондошларимиз 20 йиллик тантаналарни кўтаринки руҳда нишонлашди ва ҳамон шодлиёналарнинг кети узилгани йўқ.

Ўтган давр мобайнида турли жаҳдалларда асрларга татигулик ютуқларга эришдик. Барча соҳаларда давом этаётган улкан бунёдкорлик ишлари, яратувчанлик юртимиз келажаги буюк бўлишига замин яратмоқда.

Дарҳақиқат, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳўқуқини қўлга киритганимиздан сўнг эмин-эркин фаолият юрита бошладик. Инсон омилига бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига қўтарилди.

Суд-ҳўқуқ тизимида изчил амалга оширилаётган ислохотларни ҳам бевосита мустақиллик шарофатига богласак, муболага бўлмас. Эркимизни қўлга киритган кўнларимиздаёқ Юртбошимиз бир иборани айтиб ўтгандилар: "Мустақиллик — ҳўқуқ демакдир!" Бу сўзлар бугун ҳам тилларда жарағланмоқда.

Дарҳақиқат, эрк ва озодлик билан ҳақ-ҳўқуқ ўртасида узвий богликлик бор. Зеро, ҳақ-ҳўқуқини таниган, билган одам ўз фикри, дунёқарашига ва тафаккурига эга бўлади. Шу маънода бугун юртдошларимизнинг ҳўқуқий идораларга манфаатлари ҳўмоия қилиниши борасида кўмак сўраб келаётгани ҳам уларнинг ҳўқуқий маданияти оқсалаётгани, тизимдаги ислохотлар ижобий самара бераётгани натижасидир.

Буни Наманган вилоят прокуратураси органлари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Биргина 2011 йилнинг 6 ойи мобайнида вилоят прокуратурасига 3349 та мурожаат келиб тушган. Шундан 1486 таси бевосита прокуратура органларида ҳал этилиб, 367 таси қаноатлантирилган. 560 нафар фуқароннинг ҳўқуқлари тикланди. Шунингдек, бевосита вилоят прокуратураси ташаббуси билан фуқаролар ва юридик шахслар меҳнат жамоаларида қабул қилинди.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабларига рия қилиниши юзасидан 2011 йилнинг 6 ойи мобайнида 16 та текшириш ўтказилиб, натижалари бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан жойларга 1 та протест, 19 та тақдирнома киритилди, 25 нафар масъул ва мансабдор шахс интизомий ва 13 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Хар бир мурожаат ортида инсон тақдирини ётади, буни унутмаслик керак. Демакки, вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқароларнинг иттижойи, сиёсий ва меҳнат ҳўқуқларини ҳўмоия қилиш, уларнинг поймол қилинишига йўл қўймаслик масаласига жиддий эътибор қаратилиб, қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан таъсирчан назорат ҳужжатлари қўлланилмоқда. Жумладан, Учқўрғон туманида яшовчи А.Мамадалиев туман прокуратурасига ариза билан мурожаат этиб, педагогика коллежи директори уни ноқонуний тарзда ишдан бўшатиб юборганини билдирган.

Маъмур ариза атрофлича ўрганиб чиқилга, А.Мамадали-

ев иш штати қисқарганлиги муносабати билан ишдан бўшатилгани, бироқ бу ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 101, 102, 107 ва 198-моддаларига ҳилоф равишда меҳнат шартномаси бекор қилингани аниқланди. Коллеж директорининг буйруги нисбатан протест киритилиб, аризачи ишга тикланди. Шунингдек, фуқаро Ш.Султонов Норин туманидаги "Фермер ҳўжаликларига хизмат кўрсатиш маркази"дан иш ҳақини ололмаётганидан норози бўлиб, туман прокуратурасига мурожаат этганди.

Ариза ўрганиб чиқилга, фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро судига фуқаро Ш.Султоновнинг 5 млн. 355 минг сўм иш ҳақини ундириш юзасидан даъво аризаси киритилди. Шу билан бирга, марказ раҳбари Ш.Ҳотамов Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шуни эътироф этиш жоизки, зарур ҳолларда келиб тушган мурожаатларни текшириш вазифаси тегишли давлат бошқаруви, назорат ва текшириш органларига, корхона, муассаса ва ташкилотнинг мансабдор шахсларига топширилади. Албатта, прокуратура органлари томонидан текшириш якуни бўйича ёзма ахборотлар белгиланган муддатдан кечикмай олиниши назорат қилиб борилади.

Айтиш жоизки, айрим мутасадди ташкилот раҳбарлари "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғриси"ги Қонун талабларидан мутлақо беҳабар. Ёки билишса ҳам унинг талабларига рия этмайдилар. Табиийки, бундай кезларда фуқароларнинг манфаатларига жиддий зиён етади.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан бу борадаги қонунлар ижроси юзасидан ҳам мунтазам текширишлар олиб боришмоқда. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича муайян чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Хусусан, Норин тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлимида ўтказилган текширишларда бўлим бошлиғи Ф.Тўйчиев томонидан тумандаги "Нозиматон ТДИ" ва "Кирғизова Салтанатхон" фермер ҳўжалиги раҳбарлари М.Назирова ҳамда С.Қирғизованинг қишлоқ ҳўжалиги экинлари экиш учун ер майдони ажратиши сўраб ёзган аризалари белгиланган муддатларда ҳал этилмагани, сансоларликка йўл қўйилгани аниқланган. Маъмур ҳолат бўйича бўлим бошлиғига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Маҳаллий ҳўкимиятлар ва бошқа муассасаларда ҳам фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этиш муддатларига етарлича эътибор қаратилмоқда, деб бўлмайди. Ўтказилган текширишлар ушбу фикрнинг нечоғли асосли эканини кўрсатмоқда. Ўрни Учқўрғон туман ҳўкимияти иқтисодиёт бўлими бошлиғи К.Бадалбоев, бош архи-

Шавкатжон РАХИМОВ,

Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

тектор О.Ҳасанов, бўлим бошлиқлари И.Тошбоев, Т.Сиддиқов, ҳўқуқий маслаҳатчи А.Турсунов фаолиятлари ўрганилганда юқорида айтиб ўтилган камчиликлар қўзга ташланди. Шунингдек, улар маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Бугун юртимизда тадбиркорлик субъектларига эътибор ҳар қанонгидан ҳам кўчи. Боси, иқтисодиётимиз ривожига соҳа вакилларининг салмоқли улуши бор. Афсуски, орамизда ана шу саъй-ҳаракатларни тушунамай, ўз вазифасига лоқайдлик билан қараётган мутасаддилар борки, уларнинг эътиборсизлиги ортдан муаммолар келиб чиқмоқда. Буни вилоят прокуратурасига келиб тушаётган шикоятлардан ҳам сезиш мумкин.

Уйчи туманидаги "Эгамберди полвон Нурматов" фермер ҳўжалиги раҳбари А.Эгамбердиев туман прокуратурасига ёзган аризасида "Агробанк" туман филиалига қишлоқ ҳўжалик техникаси эътиёт қисмларини сотиб олиш учун кредит сўраб мурожаат этган бўлса-да, бу масала қонуний ечимини топмаётганини кўрсатган.

Маъмур аризани ўрганиш жараёнида А.Эгамбердиевнинг мурожаати ижобий ҳал этилиб, унинг ҳисоб рақамига 15 млн. сўм кредит маблағи ўтказиб берилди. Шуни афсус билан айтиш жоизки, текшириш чоғида фермернинг мурожаати "Агробанк" туман филиали бошқарувчиси У.Шербоев томонидан рўйхатда олинмагани иаълум бўлди. Демак, у бу масалага лоқайдлик, беписандлик билан қараган. Шу боис у Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Наманган шаҳрида яшовчи Х.Иззатуллаевнинг вилоят прокуратурасига ёзган аризасидаги важлар ҳам ўрганиб чиқилди.

Х.Иззатуллаев ўз аризасида кўрсатишча, вилоят "Пахтаасаноат" худудий акциядорлик бирлшмасидан 11 млн. 065 минг сўм ҳақи бўлиб, шу маблағни ундириш борасида даъво аризаси билан Наманган туманлараро судига мурожаат этганди. Суд унинг даъвосини қаноатлантирмади, бироқ фуқаролик ишлари бўйича вилоят апелляция суди томонидан қўйи суд қарори асоссиз бекор қилиниб, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади.

Прокуратура томонидан аризадаги важлар ҳамда суддаги ҳўжатлар тўлиқ ўрганиб чиқилиб, назорат тартибиде киритилган протестга асосан суд ажрими бекор қилинди ва фуқаро Х.Иззатуллаевнинг аризаси қаноатлантирилди.

Умуман, вилоят прокуратураси органлари барча жаҳалларда қонунийлиқни таъминлаш, жиноятчилик ва ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг манфаатларини ҳўмоиялаш борасида кенг қамровли ишларни олиб бормоқда. Юқорида биз уларнинг айрим қираларига тўхталдик, ҳолос. Хар бир ишда қонун устувор бўлса, қўзланган ниятларимизга эришишимиз муқаррар.

Сафлар кенгаймоқда

Президентимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги қарорлари ижрога қаратилиб, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш жадал суръатларда ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Бош прокурорнинг 87-сонли буйруғи асосида туман прокуратураси томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш устида доимий иш юритилмоқда. Жойларда ўтказилаётган бевосита мулоқотларда соҳага оид қонун ва қонуности ҳужжатларининг мазмун-моҳияти шарҳлаб берилмоқда. Шу билан бирга, иш бошлаш, ишни кенгайтириш борасидаги турли муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Йил бошидан буён ўтказилган учрашувларда 564 та тадбиркорлик субъектларининг намоёндалари иштирок этишди. Ушбу тадбирлар ўз самарасини бериб тадбиркорларнинг сафи кенгайди. 914 та янги иш ўринлари яратилди.

Таҳлилларда 106 та тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмаётганлари аниқланиб, бунинг сабаб-лари атрофича ўрганилди. Молиявий, ташкилий муаммоларини ҳал этишга қонуний ёрдам кўрсатилиб, 26 нафар тадбиркор фаолиятини тиклаши таъминланди.

Тадбиркорликка кенг йўл очиб борасидаги қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижрога қаратилиши ўз самарасини бермоқда. Кичик бизнес намоёндалари ишлаб чиқарётган маҳсулотларнинг салмоғи муттасил равишда ортиб бормоқда. 2008 йили туманда 2612 та тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатган бўлса, 2010 йилда уларнинг сони 3207 тагача ортди. Бу йилнинг олти ойи мобайнида ўтган йил шу даврига нисбатан тадбиркорлик субъектларининг сони тагин 230 тага кўпайди. Эътиборга молик жиҳати, ишлаб чиқариш билан машғул кичик бизнес намоёндаларининг нуфузи ортиб бормоқда. Улар эҳтиёжга қараб турли-туман, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Туманда кичик бизнес намоёндалари томонидан ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 101 фоизга ўсди.

Шу йил етти ой мобайнида прокуратура ташаббуси

билан қишлоқларда 17 та тикувчилик, 12 та хунармандчилик, 17 та қандолатчилик фирмалари ташкил қилинди. Косибчилик ва бошқа турли фаолият билан шуғулланувчи 60 та тадбиркорлик субъектларининг фаолиятлари йўлга қўйилди. Жами 106 та тадбиркорлик субъектлари ташкил қилиниб, уларда 200 га яқин фуқаролар ишлай бошлашди.

Амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлари тадбиркорларнинг фаолиятларини текшириш жараёнларини тартибга солиди. Туман прокуратураси ғайриқонуний текширишларнинг олдини олиш чораларини кўрмоқда. Текшириш натижалари бўйича қўлланилган чораларни таҳлил қилмоқда. Таҳлилларда туман ДСИ томонидан 3 та тадбиркорлик субъектларига нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида қонунга зид қарорлар қабул қилингани аниқланди. Чунончи, "Хумодил сервис" хусусий корхонаси ҳамда "Ўқчи" хусусий дорихонасида ўтказилган текширишларнинг натижалари бўйича жами 1 млн. 492 минг сўмлик молиявий жарима қўлланилган. Туман прокуратураси томонидан протест киритилиб, ҳар учала ҳолатда қўлланилган маъмурий жарималар бекор қилинди.

Бундан ташқари, ноқонуний текшириш ўтказиб тадбиркорларнинг ҳуқуқи бузилишига са-

М.РАСУЛОВ,
Ўзбекистон туман прокурорининг
катта ёрдамчиси

бабчи бўлган туман ветеринария бўлими бошлиғи ва бўлим мудири маъмурий, икки нафар ходимлари интизомий жавобгарликка тортилди.

Туман прокуратурасида тадбиркорларнинг ёзма мурожаатлари ҳам қонуний кўриб чиқилмоқда. "Қораёз-бобо" фермер ҳўжалигининг раҳбари Р.Юсупов "Агробанк" Яйлан филиали кредит ажратиш ҳақида ёзган аризасини кўриб чиқмасдан сансалорликка солаётганини баён этган. Ушбу ариза ўрганилиб, тадбиркорнинг мурожаатини қонуний кўриб чиқмаган банк филиали бошқарувчиси М.Хамидов маъмурий, иқтисодиёт бўлими бошлиғи А.Ибрагимов интизомий жавобгарликка тортилди. Фермер ҳўжалигига кредит ҳавола этилди.

Туман ҳокимлиги томонидан ҳам айрим мурожаатларни кўриб чиқишда қонун талаблари бузилган. Ҳокимнинг биринчи ўринбосари Н.Отанов "Ўқчи Алимардон Нозим" хусусий корхонаси, "Яйлан принт" МЧЖ раҳбарлари йўллаган аризаларни қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқиш ва ҳал этиш чораларини кўрмаган. Шунингдек, фермер ҳўжаликлари-нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган текшириш мобайнида "Исфара-Сирдарё" ИТ-Бнинг Ўзбекистон туман бўлими бошлиғи А.Бобоев С.Азизов номи ММТП ҳудудидаги "Қораёзбобо" ва бошқа 3 та фермер ҳўжаликлари-нинг сув муаммоси ҳусусида йўллаган аризаларини қонун талабларига мувофиқ ҳал қилмагани аниқланди. Хизмат бурчларига лоқайд муносабатда бўлган иккала мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорлар ва фермерларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидан бормоқда. Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ҳамда жамиятга қонун устуворлигини таъминлашда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Устувор вазифа

С.ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида ҳамда фуқароларни қонун устуворлигига ишонч руҳида тарбиялашда иштирок этиш прокуратура органларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Маълумки, қонун устуворлигини таъминлаш фуқароларни қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялаш ва уларда қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш орқалигина қўзлаган самарани беради. Зеро, Юртбошимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да таъкидланганидек, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб келмоқда.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлар томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасида муайян чора-тадбирлар кўриб боришмоқда.

Асосий эътибор тарғибот тадбирларини режалли ва мақсадли ўтказишга қаратилиб, бу жараёнда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Жумладан, ҳарбий прокуратура органларининг ходимлари томонидан ҳарбий қисм муассасаларида ҳар ҳафтада бир мартаба ўтказилаётган ҳуқуқий билимлар кунда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига янги қабул қилинган қонунлар, Президентимиз Фармонлари, Ҳукуматимиз қарорлари ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини тушунириш борасида батафсил маълумотлар берилмоқда.

Шунингдек, Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг наشري бўлган "Ватанпарвар" газетасида ҳуқуқий маслаҳатхона руқни ташкил этилиб, унда ҳарбий хизматчиларга ўзларини қизиқтираётган ҳуқуқий мавзудagi саволлари бўйича батафсил жавоблар ва тушуниришлар олишлари учун имконият яратилган.

Бундан ташқари, барча қисм ва муассасаларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли "Ватанпарвар" газетасида "Ишонч телефон"лари тўғрисидаги маълумотлар берилиб, ишонч телефонлари орқали мурожаат қилган ҳарбий хизматчиларга ўзларини қизиқтираётган ҳуқуқий мавзусидаги саволларига қонуний йўл-йўриқлар кўрсатилиб, аксарият мурожаатлар ўша вақтнинг ўзида кўриб чиқилиб, ҳал қилинмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга бағишланган "Ягона ҳуқуқий билимлар кўни", "Бурч ва масъулият" ҳамда "Низомга зид ҳаракатлар" амалий-усулбий методик фильмлар ишлаб чиқилиб, ҳарбий қисмлар, муассаса ва ташкилотларда ўтказилаётган тадбирлар жараёнида намойиш этилмоқда.

Бу йўналишда 2011 йилнинг 8 ойи давомида Қуrolли Кучлардаги ҳарбий қисм ва муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан 6725 та тадбир ўтказилди, жами ўтказилган тадбирларнинг 5993 таси ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий хизматчилар ўртасида ташкил этилди.

Ҳозирги кунда ҳарбий хизматчилар томонидан ўтган йилларга нисбатан турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этиш ҳоллари сезиларли даражада камайишга эришилди. Келгусида ҳам шу каби қонунийлик тарғиботи тадбирлари самараси ва сифатини ошириб, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш барчамизнинг вазифамиздир.

Мамлакатимизнинг тараққиёти, юрт раъқи, миллатимиз келахати вояга етаётган ёшларимизнинг билими, жисмоний ва маънавий камолотига боғлиқ. Бугун юртимизда уларнинг ҳар томонлама етук бўлиб улғайишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Ўқиб, касб-хунар эгаллашлари учун имкониятлар кенгаймоқда.

Анджон вилоятининг барча шаҳар ва туманларида ҳокимликлар, ҳудудий комиссиялар, прокуратура ҳамда ички ишлар идоралари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда "Бўш иш ўринлари" ярмаркалари ўтказилмоқда.

Яқинда Қўрғонтепа тумани марказида жойлашган истироҳат боғида ҳам ана шундай меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда тумандаги 26 та ташкилот 366 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Мазкур ярмаркага 345 нафардан зиёд

Ёшлар бандлиги муҳим масала

муқим иш жойи бўлмаган фуқаролар, жумладан, 185 нафар коллеж битирувчилари жалб этилди.

Ярмарка қатнашчилари корхона ва ташкилотлардаги иш шароитлари билан танишиб, ўзларига мақбул ишга кириш имкониятидан фойдаланиш ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғриси-

даги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан танишдилар.

Кўтаринки руҳда бўлиб ўтган тадбирда тумандаги корхона ва муассаса вакиллари, тадбиркорлар ўз фаолияти билан панолаш, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш йўналишлари, тайёрланаётган маҳсулотлардан кўргазмалар намойиш этдилар.

— Мен бу йил Қўрғонтепа туман табиёт коллежининг ҳамширалик курсини тамомладим, — дейди 1992 йилда туғилган Бобур маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Моҳидил Иброҳимова. — Тўғрисини айтсам, ярмаркага кўнглимдагидай иш топа олийимга ишонқирамай келган эдим. Туман марказий шифохонасига ҳамшираликка ишга қабул қилинганимдан хурсандим. Келгусида сидқидилдан меҳнат қилмоқчиман.

Ярмарка давомида 234

Муҳаммадислом АҲМАДЖОНОВ,
Қўрғонтепа туман прокурори ўринбосари
Наргиза ХОЛИМРАЗЕВА,
журналист

нафар фуқаро ишга жойлашиш учун йўлланма олдилар, улардан 147 нафари аёллар, 178 нафари эса коллеж битирувчиларидир.

Прокуратура органлари доимий равишда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни келтириб чиқарувчи билвосита сабаблардан бири ишсизлик муаммосини ҳал этиш чораларини кўриб келмоқда.

Банд бўлмаган фуқароларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва ишга жойлаштириш борасидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш устида мунтазам иш юритилиб, жойларда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш анъана тусига кириб бормоқда.

Юқоридаги каби тадбирларнинг ўтказилишидан асосий мақсад аҳолининг, қолаверса, ёшларимизнинг бандлигини таъминлашдир.



Лицензиялаш жараёни ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда муҳим қадам

Алоҳида фаолият турларини лицензиялаш — бу мамлакат ва унинг фуқаролари ҳафсизлигини таъминлаш мақсадида давлат томонидан тартибга солинадиган муносабат бўлиб ҳисобланади ва айнан шу сабабли давлат мазкур фаолият турларини доимий равишда назорат қилиб туради ҳамда уларни амалга ошириш учун тегишли соҳанинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, махсус шартларни белгилайди. Лицензия тушунчаси латинча *litentia* - ҳуқуқ, рухсат деган сўзлардан олинган бўлиб, лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз рўя этилган ҳолда фаолиятнинг лицензияланган турини амалга ошириш учун рухсатнома (ҳуқуқ) деган маънони англатади.

Демак, лицензияланадиган фаолият турлари деганда, давлат томонидан белгиланган талаблар асосида амалга ошириладиган ҳамда ушбу талабларга рўя этмаганда давлат ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган соҳалар тушунилади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, бугунги кунда 2000 йилнинг 25 майда қабул қилинган "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лицензиялаш жараёнини тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади. Ундан ташқари, лицензияланадиган алоҳида фаолият турларини лицензиялаш тартиби тегишли фаолият соҳасининг хусусиятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган қарорларда белгиланади. Бундай қарорлар жумласига 2011 йилнинг 10 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги, 2010 йил 13 майдаги "Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2009 йил 30 апрелдаги "Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва бошқа Қарорларни киритишимиз мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги қарори билан тасдиқланган "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турлари"нинг Рўйхатиға мувофиқ қарийб 80 га яқин фаолият турларини амалга ошириш учун махсус лицензия талаб қилинади. Бундай соҳаларга мисол сифатида магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш; ягона энергетика тизимиға уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш; гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), сақлаш, реализация қилиш (беириш), тақсимлаш, ташшиш, ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва йўқ қилиш; гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларида, шунингдек ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шу жумладан тиббиётда

ва ветеринарияда фойдаланиш; таркибидан гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни етиштириш; ветеринария фаолияти; тиббий фаолият; фармацевтика фаолияти; кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш; риэлторлик фаолияти ва бошқаларни киритиш мумкин.

Жорий йилнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили", деб эълон қилиниши ҳамда 2011 йилнинг 7 февралда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг қабул қилиниши лицензиялаш жараёнини янада соддалаштиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилди. Мазкур давлат дастурининг 7-бандини ижро этиш мақсадида қабул қилинган "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуниға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳам айнан лицензиялаш жараёнини соддалаштиришни назарда тутди.

2011 йилнинг 27 июлида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, жорий йилнинг 26-27 август кунларида мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуниға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши лицензиялаш жараёнини янада соддалаштиришга қаратилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Таъкидлаш жоизки, қонунни тайёрлашда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш бўйича ваколатларга эга бўлган тегишли давлат ва ҳўжалик бошқарув органларининг тақлифларидан фойдаланилган бўлиб, ўз ўрнида ушбу тақлифлар фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини, ўз амалий фаолиятида лицензиялаш масалалари билан бевоқиф шўғулланаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар тақлифларини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган. Ундан ташқари, қонунни ишлаб чиқиш жараёнида лицензиялаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишчи Россия, Украина, Белоруссия каби давлатларнинг тегишли қонун ҳужжатлари тақлид қилинди.

Қабул қилинган ушбу қонун билан "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"

да"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 3, 9, 14, 15, 16, 20, 23 ва 25-моддаларига қўйидаги асосий ўзгариш ва қўшимчалар киритилди:

биринчидан, "лицензиялаш" тушунчасига тахририй аниқлик киритилиб, бунда лицензиянинг амал қилиниши эмас, балки унинг ўзи ҳужжат сифатида бекор қилиниши ва қайта расмийлаштирилишидан келиб чиқиб қўйидагича таъриф берилди:

"лицензиялаш — лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва қўриб чиқиш, лицензиянинг амал қилиниши тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш жараёни билан боғлиқ тадбирлар комплекси";

иккинчидан, маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат қорхоналари тўғрисида"ги Низомига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган давлат қорхонаси фаолиятининг лицензияланадиган турини лицензия олмастан, тегишли лицензияловчи орган билан тузиладиган лицензия битими асосида амалга ошириш қайд этилган эди.

Шу сабабли мазкур Низом талабидан келиб чиқиб, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасига Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан ташкил этилган давлат унитар қорхоналари ва муассасалари, башарти Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларида фаолиятнинг мазкур турини амалга ошириш назарда тутилган бўлса, фаолиятнинг лицензияланадиган турини тегишли лицензия олмастан амалга оширишга ҳақли эканликлари белгилаб қўйилди;

учинчидан, лицензиялаш жараёнини янада соддалаштириш ҳамда лицензияни олувчи лицензия даъвогарларининг ортиқча молиявий харажатларини янада қамайитиш мақсадида "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 14-моддасидан, яъни лицензия даъвогарининг лицензия олиш учун тегишли лицензияловчи органга тақдим этилган ҳужжатлардаги юридик шахслар учун — юридик шахс давлат рўйхатидаги ўтказилганлиги тўғрисидаги, жисмоний шахслар учун эса — яқка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномадан нотариал тасдиқлангани билан боғлиқ талаб чиқариб ташланиб, эндиликда юридик ва жисмоний шахслар тегишинча давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасининг ўзини нотариал тасдиқламастан лицензия олиш учун тегишли органга тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлди. Шунингдек, ушбу қонун билан "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 15-модда-

си лицензия даъвогарининг аризасини қўриб чиққанлик учун йигим микдори ҳар бир лицензияланадиган фаолият тури бўйича лицензияловчи органнинг лицензия бериш билан боғлиқ харажатлари доирасида белгиланиши ҳақидаги норма билан тўлдирилди; тўртинчидан, олиб борилган тахлилларнинг кўрсатишича, амалиётда тадбиркорлик субъектлари бир ҳафта муддатда лицензияни қайта расмийлаштириш учун лицензия берувчи органга ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим этишга улгурмайдилар. Бу эса ўз навбатида лицензияланган фаолият юретишни тўхтатиб қўйишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатиға олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда тадбиркорлик субъекти томонидан қайта рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим қилиш муддати 7 кундан бир ойга узайтирилган эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур қонун билан "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасидаги лицензияни қайта расмийлаштириш муддати бир ҳафтадан бир ойга узайтирилди; бешинчидан, маълумки,

Улугбек АЛОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти
ҳузуридаги Амалдаги
қонун ҳужжатлари
мониторинги институти
етакчи илмий ходими

"Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, лицензияловчи орган ёки суд лицензият лицензиянинг амал қилиниши тўхтатиб туришиға олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун муддат белгиланиш шартлиги мустаҳкамланган. Ушбу талаб асосида Қонуннинг 23-моддаси суд белгиланган муддатда лицензиянинг амал қилиниши тўхтатиб туришиға олиб келган ҳолатларни бартараф этмаслиги лицензиянинг тугатилиши учун асос бўлиши ҳақидаги норма билан тўлдирилди;

олтинчидан, ишлар ва хизматлар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қонуннинг 25-моддасига лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтиға joyлаштирилиши ва танишиб чиқиш учун очик бўлиши мустаҳкамланди.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши келгусида лицензиялаш жараёнини янада соддалаштиришга ва лицензия талаб қилинадиган фаолият турларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб қилишга хизмат қилади.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлариға рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов микдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларға йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютаға оид жиноятларға ва жиноий даромадларни легаллаштиришға қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қўйидаги "Ишонч телефони" рақамлариға ёки "007" қисқа рақамиға қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прократура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДКК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва муурожаатларини қонундалик наватбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Ишсизга мадад

Мен кўп тармоқли фирмага қурувчи бўлиб ишлаб келаётган эдим. Лекин фирма фаолияти ўзини оқламай қолганидан кейин ёпилади. Шу сабабли мен ҳам ишсиз бўлиб қолдим. Мана ўн бир ойдири, ҳеч қачон иш тополмаяпман. Шунинг учун меҳнат органига бормоқчиман. Агар менга у ерда иш таклиф қилинса, аммо у иш маъқул келмаса, мен уни рад қилишга ҳақиманми? Бунинг учун қандай сабаблар менга асос бўлиши мумкин?

Айтишларича, иш топишгунча нафақа ҳам тўланар экан. Шу тўғрисида?

Шавкатали Мадиев, Жарқўрғон тумани

Хар қандай таклиф этилаётган ишни қабул қилиш ёки қилмаслик энг аввало, сизнинг ихтиёрингизга боғлиқдир. Аммо бу хар қандай таклиф этилган ишни истаганча рад этиш мумкинлигини билдирмайди. Хусусан, маҳаллий меҳнат органларига мурожаат этилгандан кейин таклиф этилган ишни рад этиш учун етарли асос бўлиши шарт. Меҳнат кодексининг 63-моддасида бундай ҳолатлар қайд этилган бўлиб, жумладан, агар иш яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлса, таклиф этилган иш доимий яшаш жойидан анча узоқ бўлса ва транспортда қатнаш жиҳатдан қулай бўлмаса, таклиф қилинган ишда иш ҳақи шу мутахассис-

лик ва касб учун белгиланган энг кам миқдордан оз бўлса, ишни рад этиш узорли сабаблар билан асосланган бўлса, бундай иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланмайди.

Навбатдаги саволингизга тўхталадиган бўлсак, ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланади.

Ишсиз шахснинг нафақа олиш ҳуқуқи у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб кечи билан ўн биринчи кундан эътиборан кучга киради.

Ишсизлик нафақаси кўпи

билан:

ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортиқ) таърифусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсга ўн икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календарь ҳафта;

илгари ишлаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсга эса ўн уч календарь ҳафта мобайнида тўланади.

Ишсиз шахс нафақа олиш даврида иш қидириши ва хар икки ҳафтада камиди бир марта маҳаллий меҳнат органида йўқламадан ўтиши керак.

Бундай ишсизлик нафақасининг миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Бизнинг бир қўшимиз бир-галликда бошқа жойга ишлашга кетишган. Уларнинг болалари эса ўзлари қолган. Албатта, уларга таъминот бериб туришди. Лекин болалар катта бўлиб қолган бўлса ҳам барибир бола-ла. Бундай ҳолатларга болаларга давлат томонидан назоратчи белгилаши керакми?

Заира Накилова, Юнусобод тумани

Болалар нима бўлади?

Ота-она олти ойдан ортиқ ҳозир бўлмаган тақдирда, агар болаларнинг манфаатлари учун зарур бўлса, Оила кодексининг 178-моддасига кўра уларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик белгиланади. Ота-она вақтинча бўлмаганда, агар улар боласини қариндошлари ёки бошқа яқин кишилари қарамоғига тарбиялаш ва назорат қилиш учун қолдирган бўлсалар, болаларга васийлик ва ҳомийлик белгиланиш шарт эмас.

Яна қанча кутиш керак?

Мен йўл ҳаракати қоидаларини бузганлигим учун ҳайдовчилик гувоҳнома олиб қўйинди. Ҳозирда фақат талоннинг ўзида юрибман. Гувоҳномамни олгани борсам, эртага келинг, яна икки кундан кейин келинг дейишяпти. Бундай ишлар ўзи неча кунга ҳал бўлиши керак?

Даврон Соипов, Самарқанд шахри

“Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома” талабларига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилади.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Хар кимнинг хоҳишим ёки...

Мен ўн йилдан бери бир ташкилотда ишлаб келаётган эдим. Лекин яқинда бориб-келиш ва иш ҳақи мен учун муҳим бўлган бошқа иш топдим. Шу сабабли директорингизга кириб, ишдан бўшатишни сўрасам, мен ҳоҳласам бўшатаман, бўлмаса йўқ, дейи. Мен ўз хоҳишим билан ишдан кетишга ҳақли эмасми?

Элмурод Тожиёв, Оққўрғон тумани

Меҳнат шартномасини иш берувчи билан келишилган ҳолда бекор қилишнинг имкони бўлмаётган бўлса, бунинг меҳнат кодексига белгиланган тартибда ҳал қилиш мумкин. Хусусан, кодекснинг 99-моддасига кўра, ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Агар огоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат номуабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга эса йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза у ўз иштини давом эттиришининг имкони йўқлиги (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйилмаган лавозимга сайланганлиги ва бошқа ҳоллар) билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак.

Боланинг миллати нима?

Хар ким ўн олти ёшга тўлганда, албатта, фуқаролик паспортини олади. Бу асосий ҳужжат саналганига сабабли унгаги ёзувлар аниқ фактларга таянган ҳолда ёзилади. Масалан, ота ва онанинг миллати бошқа-бошқа бўлса, боланинг миллати паспортда қандай ёзилади?

Шокир Ҳамроқулов, Қашани тумани

Одатда паспортни расмийлаштириш жараёнида боланинг миллати ота-оналарнинг миллати бўйича аниқланади. Агар ота-оналар турли миллатларга мансуб бўлсалар, паспорт беришда фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг миллати паспорт олувчининг хоҳишига кўра отаси ёки онасининг миллати бўйича ёзилади.

Яхшилик ортидан келган ташвиш

Мен ўқини битириб ишга тушганимга энди икки ой бўлди. Тажрибам ҳали етарли эмас. Яқинда бир ходимимиз ишга кеч келди. Бошлангичи ундан бунинг сабабини сўратганида, ишга келаётганида йўлда бир одамнинг аҳволи ёмонлашиб қолганлиги учун уни касалхонага олиб боришга ёрдамлашганини айтди. Лекин бошиқ бунга ишонмасдан чора кўришини айтди. У шундай қилса тўғри бўладими?

Валижон Ўбайдуллаев, Жомбой тумани

Жамият манфаатлари йўлида қилинган бундай ҳаракатлар учун ҳеч қандай интизоми жазо қўлланилиши ёки иш ҳақидан ушлаб қоллиниши мумкин эмас. Чунки, бу каби ҳолатлар Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган. “Ходимларнинг давлат ёки жамоат вази-фаларини бажаришлари, шунингдек, уларнинг жамият манфаатларига доир ҳаракатлари амалга оширишлари билан боғлиқ ка-фолатли тўловларни бериш Тартиби” билан мустаҳкамланган.

Ходимлар томонидан жамият манфаатлари йўлида қилина-диган ҳаракатларга авариялар, табиий офатларнинг оқибатларини тўлатиш, инсон ҳаётини сақлаб қолиш, қўйиш учун қон топириш ва бошқа ҳоллар киради.

Шу билан бирга, бундай вазиятларда турли муаммолар келиб чиқмаслиги учун сиз борган муассасаларда ҳолатни тасдиқловчи маълумотнома олиш мақсада мувофиқ бўлади.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб берди.

Мен бошқа жойдан иш топганим учун ҳозирги жойимдан кетмоқчи-ман. Лекин иш қўлини туфайли ол-динги йилларда бир-икки марта меҳ-нат таътилини олмаганман. Бу ҳолат ишдан кетаётган вақтимда ҳисобга олинadими?

Камола Шоимова, Жиззах шахри

Қолиб кетган таътил

Меҳнат кодексининг 151-моддаси да айтилишича, меҳнат шартно-маси бекор қилинганда ходимга фойда-ланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компен-сация тўланади.

Босқинчи киракаш ва унинг шериги

Соат миллари кечки соат олтин кўрсатган пайтда Бекзод (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) йўлга отланди. Уйидан чиқа туриб чўнтагига жойлаб олгани — қинин пичоғини беҳтиёр пайпаслаб қўйди. Кўнгли хотиржам тортиб, зиналардан югурганча тушиб кетди.

Тақси ушлаб, Мирвоҳид билан кўришишга келишган жойга етиб борди. Аммо Мирвоҳиднинг қораси кўринмас эди. Бироз кутди, келавермагач, "фидридан қайтиб қолган бўлмасин-да", деган ўйда унга телефон қилди. Йўқ, гапда турибди, йўлда келаятган экан.

Бекзод кеча ўрталарида бўлиб ўтган суҳбатни эслади.

— Яқинда туғилган куним, ўттизини тўлдираман, ака. Ошна-оғайниларга бир дастурхон ёзишни дилга тукканман. Шунга кейинги пайтда "икки смена" кира қилаяман, — деб қолди Мирвоҳид.

— Шунча де, укам. Аммо сенга осон, барибир. Тагинда мошинанг бор, шаҳарни бир айлансан, тўрт-беш сум чўнтагинда. Мен бўлсам кенноининг топиб келаятган пулга қараб қолдим, — деди ух тортиб Бекзод. — Буюқда болалар катта бўлаяпти...

— Бирор иш қилсангиз бўлади-ку, бекор юрмай, — деди дилдагини тилига чиқаришдан андиша қилмайдиган Мирвоҳид. — Ё тузукроқ иш чиқмаяптими?

— Э, ишлайман десам иш тикилиб ётибди. Бўйин ёр бермайди, бўйин, — деди хиринглаб Бекзод. — Хабаринг бордир, икки ой олдин бизнес қиламан деб қарз кўтарувдим. Ҳозир Бекзод аканг бўйинга-ча қарз, — у шундай деб томоғи тағига бармоғини юргизиб қўйди. — Шунчада қўл ишга борармиди.

Бекзод бироз жин қолди-да, мингирлагандай бўлиб яна давом этди:

— Аммо менда битта режа бор... Икковимиз ҳам пулга зорикмай қолардик. Фақат сен бунга қўнармикансан, билмадим.

Бекзоддан яхши гап чиқмаслигини билган Мирвоҳид индамади. Лекин бу "режа" нимадан иборатлиги билан қизиқайтгани унинг юз-кўзидан билини турарди.

Бекзод атайин гапни узокдан бошлади:

— Биласан, ҳозир ашулчиларнинг "сезони" бошлади. Худонинг берган куни концерт. Анави катта концерт залларини қара, одам аримайди. Одамларгайм қойилман, тирикчилик ташвишларидан ортиб концертга тушишгаям вақт, хафсала топишди.

Машинаси калитини уйнатганча унинг оғзини пойлаб ўтирган Мирвоҳид "бунинг ишга нима дахли бор" дегандай унга қаради.

— Концертга тушаётганларнинг қўли аёллар, қизлар, — Бекзод бепарво бир оҳанда гапини давом эттира бошлади, — тўйга бораётгандай ясан-тусан қилиб, бисотидаги бор тилласини тақиб чиқашди улар...

— Бекзод ака, ўйлаб гапираяпсизми? — унинг гапини бўлди Мирвоҳид. — Қамалиб чиқиб ҳам қўзингиз очилмабди-да...

— Ўзимга солмаган бир сен қолувдинг, — Бекзоднинг гап оҳангидан аччиқлангани билинди. — Биринчидан, менинг судланганлик

ҳолатим тугалланган. Иккинчидан, энди фақат хотинларни тунаш билан шуғулланамиз деётганим йўқ. Шу... Харажатлардан қўтулиб олсак бўлди, йиғиштирамиз.

— Тушасан қанчага кетишимизни биласизми ўзи? — яна унинг гапини бўлди Мирвоҳид.

— Нега тушарканмиз? Хотинларни билмас экансан, жони омон қолганига шукр қилиб, индамай борики чиқариб қўлингга топширади. Арз қилиб меласага боришга журъати етмайди кўпининг. Бир хиллари эригайм айтолмайди. Йиғлаб-сиктаб қўя қолади.

— Барибир қалтис иш-да, Бекзод ака, — деди Мирвоҳид иккилангандай.

— Қалтис бўлмаган иш бор эканми? Бойларга жин урмайди, бирикита тақинчоқ билан камбағаллашибам қолмайди. Хўп десанг, эртадан иш бошлаймиз. Топганимиз ўртада, — деди Бекзод унга тикилиб.

Мирвоҳид "розиман" дегандай қўлини узатди.

— Бу бошқа гап! Эртага соат еттида санъат саройи олдида кўришамиз.

Концерт якунига етгач, томошабиллар чиқиб эшигига ёпирилишди. Ҳар доим шундай бўлади: соатлаб бир жойга михланиб ўтирган одамлар бирданига қаёққадир ошиқиб қолишади.

Ари унсидай гавжум мухташам бино ҳовлиси зум ўтмай бўшаб қолди. Қўшининг куни эмасми, аллақачон кеч тушиб қолган. Атрофни чароғон қилиб турган чироқлар ёруғида бунга дабдуростдан илгаш қийин. Қимлардир нарироқда турган автомашинасида, яна қимлардир дуч келган ул овда шаҳарнинг чор тарафига тарқаб кета бошлашди.

— Қўйлик томонга ташлаб қўясизми? — аёл Мирвоҳиднинг жавобиниям кўтмай ўзини машина ичига урди.

"Тико"сини йўл четига тақаб қўйиб, гўё йўловчи пойлаётган киракашдай турган Мирвоҳидга жон кирди. Нар-бери йўлқирани савдолашган бўлишди.

"Тико" жойидан қўзғалди.

Бироз юришгач, йўл четига туриб такси тутаётган киши кўринди.

— Уэр, кенноий, қарши бўмасангиз шу кишиниям олиб кетайлик, совуқда қолмасин. Йўлимиз бирга ўхшайди.

Аёл норози оҳангда нимадир деди, лекин Мирвоҳид унга эътибор бермай тўхтади. Йўловчи ҳам индамай ул овга чиқиб ўтириб олди. Ё Бекзод эди.

Мирвоҳид об-ҳаводан, нарх-наводан гап очиб, йўловчиларни гапга солган бўлди. Гап бугунги концертга бориб тақалганда, аёл ҳам суҳбатга киришиб кетди.

Бир пайт у "Тико" айтилган манзилга эмас, умуман бошқа томонга қараб кетаётганини сезиб қолди. Ваҳимага тушиб, эшик тутқичини ушлаганча бақира бошлади:

— Тўхтат машинани, тўхтат!

Комил ҲУЛОМОВ,
Олмазор туман прокурори ўринбосари
Шавкат ЁДГОРОВ,
«Huquq»

— Жонингдан умидинг бўлса, овозингни чиқарма! — Бекзоднинг қўлидаги пичоқ совуқ ялтиради.

Ҳозиргина сўзамоллик билан ундан концерт таассуротларини сўраб келаятган кишининг бирдан пичоқ ўқталишидан аёлининг нафаси ичига тушиб, овози чиқмай қолди.

"Тико" қоронғи, қимсасиз қўчага кириб тўхтади.

Аёл ялинишга тушди:

— Акажонлар, болаларим бор...

Аммо пичоқ томоғига тиралгач, жимиб қолди.

— Болаларинг бўлса, ярим кечгача концертда нима қилиб юрибсан? Бунақа пайтда нормальный хотинлар боласига қараб ўтирибди. Бўпти, тилларингни, пулларингни яхшиликча берсанг, болаларинг олдига тирик қайтасан. Бўл тез!

Аёл Бекзоднинг бўйруғини сўзсиз бажарди.

— Энди туш машинадан, — шундай деб Бекзод уни ул овдан тортиб тушириб, итариб юборди. — Агар меласага борсанг, куним битди деевер.

Чалқанча йиқилган аёл изиллаб йиғлаб юборди. Аммо қўз қири билан машина номерини йиғлаб қолди...

Биринчи "иш"дан уларнинг умиди катта эди. Аммо аёлдан тортиб олинган тақинчоқларнинг ҳаммаси ҳам тилга эмас экан.

Бироз ўтиб улар яна худди шу сценарийда талончилик қилишди. Бу сафар улар концертдан чиқиб Қорақамш даҳасига олиб бориб қўйишни сўраган аёлини Келес кўприги яқинида тунаб оз эмас, кўп эмас 2 миллион 85 минг сўмлик тилга тақинчоқ ва пулларини қўлга киритишди. Шўрлик аёлини ариққа итариб юбориб, ўзлари жуфтаникни ростлашди.

Дунё тор деганларича бор. Кунларнинг бирида ўша аёл эри билан қўчада кета туриб "Тико"си ёнида бамайилхотир сигарет чекиб турган Мирвоҳидни кўриб қолади. Турган гапки, босқинчиларга дуч келган аёл кучли руҳий изтиробни бошидан кечирган, шу боис яна ўша нусхаларни қўриганда қаттиқ қўрқиб кетган эди. Аёлининг эри нима гаплигини билиши билан милицияга бу ҳақда хабар берди.

Бу вақтда ҳуқуқ-тартибот органларига "Тико" машинасида йўловчиларни тунаб юрган "таксичи" ва унинг шериги ҳақидаги хабар келиб тушган эди. Қисқа муддат ичида ҳар икки жиноятчи — Бекзод Исоқов ва Мирвоҳид Собитов қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг ҳукми билан босқинчилик содир этган жиноятчилар тегишли жазосини олишди. Энди улар умрининг 12 йилини панжара ортида ўтказишларига тўғри келарди.

Оҳ, йигит ёшинг сенинг...

Нурбек ҚҮЛДОШЕВ,
Ғузор туман прокуратураси терговчиси
Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huquq»

Карияларимиздан баъзан, "Йигитга ўлим йўқ, ўзини-ўзи тигга уради", деган гапни эшитиб қоламиз. Баъзи бир ёшларга нисбатан қўлланадиган бу гап ўз ва кўча маъноси билан уйғуллашиб кетган. Қайси бир йигит хавф-хатар шундоққина сезилиб турса ҳам (айталик, маст ҳолда машина бошқариш ёки жанжални муштлашув, пичоқбозликка айлантириш ё...) бепарволик, беписандлик, жаҳл-ғазаб билан ҳаракат қилиб, тани-жонига шикаст етказарди. Натижада ҳаётига ўзи зомин бўлади ёки бир умр майиб-макруҳ бўлиб қолади. Бу ҳақиқи нақлнинг ўз маъноси. Кўча маъноси шунки, умрининг гул фасли — ёшлигини мазмунсиз, бемаъни ишлар билан ўтказиб юборарди. Ваҳоланки, ёшлик инсон умрининг шундай бебаҳо даврики, бу пайтда қилинган ишлар бир умрга татайди. Бу даврда кишида соғлиқ бор, азму шайхоат бор, интилиш ва қўч-ғайрат бор, энг муҳими, олдинда вақт бор. Кексалик бундай имкониятга эгами? Умр — оқар дарё, дейдилар. Болалик, ёшлик, ўрта ёшлик дарё мисоли оқиб, қандай тез ўтиб кетганини киши сезмай ҳам қолади. Бунга кексалардан сўранг.

Шокир Ботиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) йигитлик даври саҳифаларини илму ҳунар ўрганиш, эл-юртга, оиласи ва яқинларига нафис тегадиган яхши ишларни амалга ошириш билан эмас, балки жиний ишлар билан "безаб" келаяпти. 1972 йилда туғилган бу инсон вақти келиб йигитлик ёшини қўз ўнгига келтирганда, беҳитибр "Оҳ, ўл саккиз ёшим менинг", деб қўп надомат чекса, ажаб эмас. Негаки, у айнаш шў ёшида илк бор жиний ишга қўл урган. Шундан буён ҳаёти издан чиққанлигини ўзи ҳам англаса керак. У 1990 йил 16 ноябрда Ғузор туман халқ суди томонидан Жиноят кодекси (эски тахрирдаги) 125-моддасининг 3-қисми билан айбланиб, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. 1993 йил 2 апрелда Нишон туман суди ЖК (эски тахрирдаги) 114-моддаси 2-қисмига асосан уни 3 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарган. Жиноят ишлари бўйича Яқкабғо туман судининг 2008 йил 27 июндаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 2-қисмининг "б" банди, 169-моддаси 3-қисмининг "а", "в" бандлари билан айбланиб деб топилиб, 6 йилу 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Жиноят ишлари бўйича Муборак туман судининг 2009 йил 2 мартдаги ақримига биноан ЖК 74-моддаси 3-қисми "б" бандига асосан ўталмасдан қолган 2 йил 9 ой 25 кун озодликдан маҳрум этиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш жазосига алмаштирилган...

Қаранг, бир инсон умрининг энг бебаҳо палласи нима билан ўтган. Тақдоран жиноят содир этиш, тергов, суд ва озодликдан маҳрум қилнар... Кишига бир марта бериладиган ҳаёт деб аталмиш бебаҳо нёъматининг қадрига етган киши умрининг олтин дамларини шундай ўтказадими, ахир.

Шокир Ботиров бу нёъматининг қадрига етмаган кўринади. Акс ҳолда азиз умрини эзгу ишлар билан мазмундор этиб, жиний хатти-ҳаракатлардан тийилармиди?! Таассуф, у озодликдан маҳрум этиш жазоси (ўталмай қолган муддат) ахлоқ тузатиш жазосига алмаштирилганда ҳам бунга англамади. Ахлоқ тузатиш муддати туғашига 11 ой 8 кун қолганда яна жиноятга қўл урди. Ғузор тумани марказида жойлашган фирмалардан бирининг раҳбари ҳузурига келиб, "Фалончи ака илтимос қилди", деб унинг 40 минг сўм пулини олиб кетади. Қўп ўтмай бу сценарий яна такрорланади. Яна фирмаларлик йўли билан шу фирма бошлиғидан 20 минг сўм умдиради. Натижада жабрланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бу ҳолат тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлади ва жиноят иши қўзғалади.

Ушбу жиноят иши жиноят ишлари бўйича Ғузор туман суди биносига қўриб чиқилди. Суд мажлисида судланувчи Шокир Ботиров, "Азизов Азизмол" (номи ўзгартирилган) фирмаси раҳбари А.Азизов "Икки нафар тadbirkор давлат рўйхатидан ўтмасдан қонуний пуллик тиббий хизмат кўрсатмоқда, агар сиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали уларга нисбатан қонуний чора қўришга ёрдам берсангиз, хизмат ҳақини 100 минг сўм берарми", деди ва шунга қўра ундан бир марта 40 минг сўм, иккинчи марта 20 минг сўм олдим", деган ваъди билдирди.

Авалло, шунга айтиш керакики, давлат рўйхатидан ўтмасдан фақат ўз манфаати йўлида тadbirkorлик билан шуғулланишга нисбатан чора қўришнинг қонуний тартиб-қоидалари бор. Шокир Ботировнинг қилмиши қонунга зид хатти-ҳаракатдан бошқа нарса эмас. Шу сабабли у одил суд олдида айбини, қилган иши қонунийлигини тан олиб, бу хатти-ҳаракатидан пушаймон эканлигини билдирди. Суд қонунга асосан бу жиний иши учун унга тегишли жазо тайинлади.

Шокир Ботиров қилган ишдан пушаймонлигини билдирди, деди. Бу иккори, илоҳим, рост бўлсин. Чунки дилдан пушаймонлик кишини гуноҳ ишлардан, қонунга зид хатти-ҳаракатлардан асрайди.

Уй-жой можароси

2008 йил. Сурхондарёдан пойтахтга йўл олган Жамолiddин Самадов(исм-фамилиялар ўзгартирилган) Тошкент шаҳрига келиб, эълон орқали уйини сотмоқчи бўлган Оксана билан учрашади. Улар Куйи Чирчик туманидаги "Ўзбекистон 5 йиллиги" қишлоқ фуқаролар йиғинига бориб, Оксананинг уйини кўздан кечиришади. Жамолiddинга уй маъқул тушиб, савдолашишга киришади. Сотувчи ва харидор ўртасида узок чўзилган савдолашувдан сўнг уйнинг нархи 8 минг АҚШ доллари эътиб белгиланади. Жамолiddин шу ернинг ўзига 4 минг АҚШ доллари бериб, қолган ярмини хонадон нотариал идора орқали унинг номига расмийлаштирилганидан сўнг беришини айтади. Оксана бу таклифга рози бўлади. Шундан сўнг Жамолiddин Сурхондарёга қайтиб кетади.

Орадан бир ярим йил ўтиб кетса-да, Оксанада дарак бўлмади. Бу орада Жамолiddин уни қидириб бир неча бор Тошкент шаҳрига келди. Бироқ ҳар сафар уни тополмай, ҳафсала-си пир бўлиб ортга қайтган. Ахирги 2010 йилнинг май ойларида Оксананинг уйига, яъни Куйи Чирчик туманига боради. Уни Оксананинг турмуш ўртоғи Турдимурод Ҳасанов кутиб олади.

— Келинг! Сизга ким керак? — Оксана уйдами? — Йўқ. Сиз ким бўласиз? Танмайорқ турибман. Шундан сўнг Жамолiddин унга ўзини таништиради. — Мен Жамолiddин бўлман. 2 йил илгари Оксана билан

уйни сотиб олиш ҳақида келишгандик. Унга олдиндан 4 минг доллар бергандим. Шунча вақт ўтди. Агар уйни сотиш ниятидан қайтган бўлсанлар, пулимини қайтариб беринглар.

— Энди ака, — дея Турдимурод хотиржам гап бошлайди. — Биринчидан, хотиним билан уйни олди-сотдиси борасида келишганингиздан хабарим йўқ. Ўзи яқинда келдим.

— Қаердан келдингиз? — ҳайрон бўлиб сўрайди Жамолiddин. — Чет элданми?

— Йўқ, камқодан.

Бу жавобдан сўнг Жамолiddиннинг юраги орқага тортиб кетади. Чўқур хўрсинган бўлиб, бошини куйи солади-ю, ер остидан Турдимуродга ўргинча назар ташлайди. Бироз ақлини ишлатиб, у билан баҳслашиб ўтиришнинг фойдаси йўқлигини фаҳмлайди. Тарвузи қўлтигидан тушиб, ортга қайтади.

Жамолiddин бир муддат нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлаб юрди. Ахирги жиноий режа тузиб, ҳўжалик пичогини олганича, Турдимуроднинг хонадон томон йўл олди.

2010 йил 14 июнь. Жамолiddин спиртли ичимликни қўлтиклаб, Турдимуроднинг хонадонига кириб келади. Хонадон эгалари уни иллик кутиб олишади. Дастурхон ёзиб, меҳмоннавозлик бошланди. Жамолiddин арокни ўртага қўйди. Учовлашиб, юзта-юзта қилиб ўтиришганида, салгина кайфи ошган Жамолiddиннинг шайтоний кўзиди. Шишанинг ичиде сокин турган ароқ, унинг томоғидан ўтганидан сўнг эски хотиралар-

Хидир КАРИМОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари
Максудали КАМБАРОВ,
«Huquq»

ни кўзгайд.

— Энди ҳамсоя, қутишнинг чегараси бўлиши керак. Икки йил илмай кўтдим. Шу бутуноқ шу масалани бир ёқли қилсак. Ё менга пулимини қайтариб беринглар, ё уйни номимга ўтказиб беринглар.

Турдимурод унинг елкасига қўлини ташлайди.

— Шундоқ яхши ўтирганимизда қайфиятни бузмасангизчи меҳмон. Мен сизга уйни сотаман деганманми?

— Йўқ.

— Ё сиздан 4 минг доллар олганманми?

— Йўқ.

— Унда нега менга даъво қиляпсиз?

— Сиз билан гаплашмаган бўлсам ҳам, ана хотинингиз билан келишганмиз. Ўзидан сўранг! — Оксанага юзланади. — Сиз бирор наversa десангиз-чи.

Турдимурод бироз жаҳлланади.

— Нега унга дўк уряпсан? Бу уйда эр менман. Мен хоҳласам уй сотилади, истамасам йўқ. Гапини тушундингми?

Жамолiddин ҳам осонликча таслим бўлишни истамайди.

— Нима, мен 4 минг долларга қулиб қолаверманми?

— Ўёғи сенинг "проблеманг". Уйдан ҳам, пулдан ҳам умид қилма!

Турдимурод унинг талабига



рад жавобини бергач, ўртада жанжал бошланади. Жамолiddин олдиндан тайёрлаб қўйган пичогини ишга солиб, унга тан жароҳати етказилади. Мазкур ҳолатни кузатиб турган Оксана Жамолiddинни тўқатиш мақсадида ёғоч олиб келиб, ортдан зарба беради. Бундан ғазабланган Жамолiddин энди Оксанага ташланади. У қўлидаги пичокни Оксананинг кўкрак ва қорин соҳаларига икки марта уради. Оксана воқеа жойини ўзига бу дунёни тарк этади. Жамолiddин эса жиноий мақсадини якунига етказиш учун Турдимурод томон қадам ташлайди. У шундоқ ҳам қаршилик кўрсатишга имкони қолмаган Турдимуроднинг чап кўкрак қафасига пичокни санчиб олади. Кўзи қонга тўлган Жамолiddиннинг хонадон эгаларини гўмдон қилиш режаси охирига етмай қолди. Воқеа жойига етиб келган ҳўқуқни муҳофазаси қилиш ходимлари уни қўлга олишди.

Шифокорларнинг саёй-ҳаракатлари натижасида Турдимуроднинг ҳаёти сақлаб қолинди. Жиноятчи Жамолiddин Самадовга эса қилмишига яраша

жазо тайинланди.

Воқеа баёнини ўқиб, ушбу жиноят келиб чиқишининг асл сабаби нимада, деган савол туғилиши табиий. Уй-жой олди-сотдиси борасидаги келишувни бузган Оксанами? Ёки 4 минг долларга оғзи қўйган Жамолiddиннинг ўйламай қилган хатти-ҳаракати? Албатта, ҳар иккала омил ҳам сабаб. Бироқ энг асосий сабаб — ичкилик эмасми? Агар Жамолiddин бироз отиб олиб, шерга айланмаганида қотилликча қўл урмасиди? Аввалига Оксананинг турмуш ўртоғидан уйни номига ўтказиб ёки пулини қайтариб беришни талаб қилганида ҳам рад жавобини олган эди-ку. Нега ўшанда жанжал кўтармай, жимгина ортга қайтди. Чўки у пайтда ақл-идрокини идора қила оларди. Негаки, у пайтда маст эмасди.

Ичкиликнинг қулфати ҳақида қанчалик кўп гапирилмасин, баъзи кимсаларга таъсир қилмайди қўриқнади. Оқ арокнинг қора қилишлари сабаб ўқориди даки жим жиноятга қўл урган кимсалар ҳали-ҳануз учраб тургани ачинарли ҳол, албатта.

Мўмай пул дардида...

Наврўза (айрим исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) аэропорт назоратидан ўтиб, қатор ўриндиқлардан бирига келиб ўтирди. У чорасизликдан фикрларини жамлай олмас, "Энди кеч, ортга йўл йўқ", деган ўй уни ўртар эди.

— Назирова Наврўза сиз бўласизми? — Ҳа, мен... — ёнидаги ўриндиққа келиб ўтирган фуқаро қийимидеги кишининг саволидан ҳайрон бўлиб жавоб берди у.

— Сиз берган маълумот бўйича операция бошланган. Хавотирланманг, мен икки ишлар ходимман. Ҳаммаси назорат остида.

Наврўза енгил тортиди.

Эри билан ажрашган Наврўза ёлғиз ўзи фарзандини тарбиялашга қийналиб қолди. Ишга кирай деса на қўлида ҳунари бор, на маълумоти. Шунинг учунми иш қидиришга ҳам ҳафсала қилмади. Танишлари топган ишлар унга маъқул келмади. Шундай иш бўлсаки, маоши катта, аммо жон қийматасанг... Шу ҳаёлларда юрган Наврўза "Бону" исмли аёл билан танишиб қолди. "Бону" хориждаги гўзал ҳаёт ҳақида чўпчак тўқий бошлади:

— Чет элда ишлаб келиб, шароитимни тўғрилаб олдим. Сиз ҳам хорижга бир-икки чиқиб келсангиз умрингизнинг охиригача етадиган пул топиб келасиз.

— У ёқда нима иш қилдингиз? — Наврўзанинг саволи жавобсиз қолди.

— Хоҳласангиз, Тошкентда бир танишим бор, учраштириб қўяман. Мана телефон номери, олдин ўзингиз бир гаплашиб кўринг.

Ҳаммаси шундан кейин бошланди. "Бону"дан олган рақамларга телефон қилиб, тошкентлик "Ширин" деган аёл билан гаплашди. Ширин унга Тошкентга келишни таклиф қилганида, Наврўзанинг хурсандлиги ичига сиймай кетди. Норасида фарзандини ота-онасига қолдириб, пойтахтга келди.

Уни кутиб олган Ширин жуда сўзамол экан, бир қўришдаёқ унинг гўзаллигини таърифлаб, ўзига ром қилиб олди. Кейин ўзининг уйига қўл борди.

— Қисқаси, Тел-Авивга, Исроил давлатига жўнатман. У ёқда офисантча бўлиб ишлайсиз. Ойлик эмас, қулиқ топасиз. Қарабсизки, ярим йилда бойвачча хотин бўлиб қайтасиз Самарқандга.

Азиза ТҮЙГҮН,
Мирзо Улугбек туман прокурори ўринбосари

— Айтганингиз келсин, яхшилигингизни унутмайман. — Наврўза шундай деб унга нажоткорини топгандай топина бошлади.

Икки уч кун ўтиб, Ширин унинг паспортини олиб кетиб, самолётга чиға билан қайтди. Аммо ўша кунни фалати ишлар бўлиб ўтди. Аввалига унга Шириннинг қариндоши Шаҳризода айтиб туриб, иккита тилхат ёздирди. Тилхатнинг бирида гўёки у Шириндан 10 минг АҚШ доллари қарз олгани, иккинчисида хорижга ўз ихтиёри билан кетаётгани ёзилди. Ҳеч нарсаси тушунмаган Наврўза уларни имзолаб экан, "бу нимага керак?", дея сўрашга ўзида ҳўрбат тоғлиди.

— Керак, — деди Шаҳризода Юнусова русча-лаб, — шундай бўлгани тинч.

— Демак, мени сотмоқчисизлар, тўғри тушунган бўлсам... — деди шундай бўлиши мумкинлигини кўнгли сезган Наврўза.

— Сен нима деб ўйловдинг? "Бону" бизга сендақаларни жўнатади, биз эса Банкокка жўнатамиз. Ўзингни билмаганга олма. Баринг бошида шунақа дейсанлар. Қўлинг пул қўрсин, ҳаммаси эсингдан чиқиб кетади, — қулди олтимини қоралаб қолган Шаҳризода Юнусова. Наврўза мик этмади.

Аммо... У бир тўхтамга келди. Пайт пойлаб, "02"га телефон қилиб, исм-фамилиясини, шу бугун кечки соат саккизларда аэропортга боришини, уни хорижга фоҳишалик учун олиб кетишгаётганини хабар беришга улгурди.

Унинг берган хабари юзасидан тезкор гуруҳ тузилиб, одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳ аъзолари — Ширин ва Шаҳризода Юнусовалар Тошкент аэропортида қўлга олинди.

Тергов давомида уюшган гуруҳ раҳбари Ш.Юнусова Таиланддаги жиноий шерикларига ўзбекистонлик қизларни шахвоний мақсадларда фойдаланиш учун жўнатиш билан шуғулланиб келганлиги аниқланган.

Мўмай пул дардида аёл деган номга доғ туширган жиноий гуруҳ аъзолари суд ҳўкми билан тегишли жазосини олишди.

Ҳар ким ўз қилмишидан топар

Икки оғайни пулдан бўшаган сеткаларини қўлтиқларига тик қанча танишларини узоқлашар эканлар, бири секин гап бошлади:

— Нима дейсиз, бу Ориф деганингиз ёрни вақтида олиб берармикан?

— Бу нима деганингиз? Ахир уч-тўрт йилдан бери бир-биримизни танисак, алдамаса керак?! Нега тўсатдан хавотир олиб қолдингиз?

— Ахир унга берган пулимиз озмунчами? Эрта бир кун олмадим деб тоғиб қолса нима қиламиз? Сиз 30 миллион, мен бўлсам 35 миллионни унга ишониб бериб юбордик-а?!

— Яхши ният қилсангиз-чи? Унчаликка бормас...

Орадан қулар, ойлар ўтди. Бирок уларга мол еми ҳисобланган "шелуха" билан "шрот" олиб беришни ваъда қилган Ориф ваъда беришдан нарига ўтмади. Ахирги пул берганлардан бири бўлмиш Н.Чоримов унинг уйига пулини талаб қилиб боришга мажбур бўлди.

— Яна озгина сабр қилинг, яқинда ёрни етказаман, — бу сафар ҳам ваъдани қўқ қилиб О.Эгамбердиев.

— Йўқ, бошқа қутолмайман. Ём ҳам керакмас, пулимини қайтарсангиз бўлди.

— Бунча ҳовлиқасиз? Шунча қутган, яна озроқ қутсангиз, осмон ўзилиб ерга тушармиди? Бўпти, ёрни олмасангиз, олманг, сўраганлар тўлиб ётибди.

Эшмат УСМОНОВ,
Миробод туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Сизга жавоб...

— Ёе, бу нима деганингиз? Пулимини қайтармайсизми? Оз эмас, нақ 35 миллион сўм-а! Тез олиб чиқинг...

— Ҳозир, сиз ҳовлига кинринг...

У шундай дея Н.Чоримовни ҳовлига киритди-да, эшикни беркитиб, ўғлини қақирди. Ўғли келган заҳоти икковлашиб "меҳмон"га дўк ура кетишди. Уйига бостириб кириб, ундан пул талаб қилаётганда айб-лаб, милицияда ишлайдиган танишлари ёрдамида қаматиб юбориб билан қўрқитган. "Мен бу ерга бошқа келмайман. Сизни безовта ҳам қилмайман", деган сўзларини қўл телефони ёзиб олиб, ҳовлидан чиқариб юборди.

Ҳам ваъда қилган ёмдан, ҳам пулидан ажралаб қолаётганидан боши қотиб қолган Н.Чоримов кўп ўйлаб ўтирмай, тегишли органларга ариза билан мурожаат қилди.

Шундан кейингина О.Эгамбердиев айбини тан олиб, жабрланувчиларнинг пулларини қайтариб берди. Унга суд томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 600 баробари микдорини — 27 млн. 129 минг сўм жарима жазоси тайинланди. Ҳа, ҳар ким ўз қилмишидан топар, деб бежизга айтилмаган.

Чиллаки чиллакини кўриб...

Шукри, ҳар биримизга атиги бир мартагина берилган умримизда шўх-шолон, бахтли кунлар бисёр. Шундай бўлса-да, ҳоҳида бўлса бир нохуш ҳолатларнинг ҳам гувоҳи бўламизки, бундай пайтларда ачиниси ҳиссини туйиш баробарида, бундай ҳолатга дучор бўлганларнинг қилмишини эшитиб ҳам ҳайрон бўламиз, ҳақлардан беҳтиёр нафратланамиз. Аммо... аммо ушлар сафига юриш-туришимизда, ҳаётимизда суяниш, меҳр маъбудаси дея аталмиш, гўзаллик тимсоли бўлмиш аёлларни учратсангиз-чи?... Бундай пайтда афсус чекишдан ўзга чора тополмасиз.

Мана, суднинг қора курсисидан бир эмас, уч нафар аёл ўтирибди. Бир мактабгача таълим муассасаси мудириси, иккинчиси муассасанинг газначи-кассири, учинчиси эса ўша ерда фаррош бўлиб ишлаган. Улар қандай айб қилганликлари билан қизиқайтганликларининг табиий. Бу саволга имкон қадар жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Авалло мудири ҳақида: салкам 50 ёшни қоралаб қолган Қ.Солиева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) олий маълумотли. Соҳада янги одам эмас — ушбу муассасада 10 йилдан бери мударалик қилиб келади. Четдан қараганда ҳамма иш рисоладагидек, ишчи-ҳодимлар ундан миннатдор, болакайлар ҳам ўйнаб-қулганча боғча-

га келиб-кейтиб юришибди. Ота-оналарнинг фарзандларидан кўнгли тўқ. Бироқ, ҳозиргина таъкидлаганимиздек, четдан қарагандагина шундай кўринади. Аслида эса...

Шу ўринда мударанинг вазифасига нисбатан қилишчи, тарбияланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаши, ишчи-ҳодимларнинг оилавий ҳаётини назорат қилиши, ишчи-ҳодимларнинг туман халқ бўлимининг руҳсати билангина ишга қабул қилини, тўлдирилган табелларни имзолаб, туман молия бўлимига топшириши ва бош-

қалар қиради. Қ.Солиеванинг иш стажидан ҳам кўриниб турибдики, бу каби ишлар унга чўт эмас, ўзи кўриб, бажариб юрган юмушлар. Шундай бўлса-да, охириги пайтларда мудири нима учундир ўзининг хизмат вазифаларига ўзгартишлар кирита бошлади.

Авал ошхона хизматчиси, кейинчалик эса, она тили ўқитувчиси, кир ювувчи, энага, ошпаз, логопед-ўқитувчиси, жисмоний тарбия инструктори, сантехник каби вазифаларга фуқароларни ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқартириб, ҳужжатларни расмийлаштирган мудири, уларга оилавий маош берилганлиги тўғрисидаги тўлов ведомостларидаги имзоларни сохталаштира бошлайди.

Масалан, 2004 йилда ошхона хизматчиси вазифасига расмийлаштирилган Ж.Пардаева, 2007 йили ўзбек тили ўқитувчиси вазифасига ишга қабул қилинган Б.Жамоллиддинова, ўша йили ҳужжатлари кир ювувчи, 2009 йилда эса энага вазифаларига расмийлаштирилган Ш. Узоқова, 2008 йилда ошпаз, 2010 йилда кир ювувчи вазифаларига ҳужжатлари расмийлаштирилган

Шухрат МУҲАМЕДОВ,
Бектемир туман прокурори

А.Абдураззоқова ва бошқаларга 2004-2010 йилларда ҳисобланган 28 млн. сўмликдан кўпроқ оилавий маошларни ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан талон-торож қилинади.

Табиийки, мудири бу ишларни муассасада аввалига тарбиячи, 2009 йилдан буён кассир бўлиб ишлаб келатган К.Усмонованинг кўмагисиз бажара олмасди. Ўз навбатида кассир ҳам мударанинг раҳнамолиги остида куёви билан қудасини "ишга қабул қилишни" уйдалаган экан.

Айтмоқчи, бу жиноий ишда фаррош нима қилиб юрибди, дерсиз. Буни қарангки, "чиллаки чиллакини кўриб, чумак уради", деганларидек, муассасада фаррош вазифасида ишлаган С.Собирова ҳам мудири ҳамда кассирдан ўрнат олиб, ўзича иш юритган. Яъни сингилсининг ҳужжатларини олиб келиб, унинг номидан энага сифатида ишга қабул қилиш



ҳақида ариза ёзиб, оилавий маошларини ҳам олиб юраверган, иш ҳақида сўраган сингилсига эса, ҳозирча бўш ўрин йўқлигини, керак пайтда ўзи хабар беришини айтиб, хотиржам қилган экан.

Хуллас, "ғалвир сувдан кўтарилгач", муассасадаги уловонинг қилмишлари ошқор бўлди. Тўғри, суд томонидан уларга қилмишларига яраша жазо тайинланди. Шундай бўлса-да, аёл кишининг қора курсида ўтиришини ҳеч бир нарса билан оқлаб бўлмайди. Қолаверса, ҳалол меҳнат билан даромад топганга ҳеч нарса етмайди.

Халқ орасида "Элнинг ичида, юртнинг устида турган одамлар", деган гап бор. Бу тўртта одамга ёнги, кичкинагина бўйсин, бирор илорага бош бўлган кишиларга нисбатан берилган таъриф. Элнинг ичида бўлиб, унинг ларзу ташвиши, юрт устида туриб эса раванқи, эртанги кун билан яшайдиганларга эътирофлар бу. Аммо элнинг назари тушган бундай кишиларга "Хом сут эмган банд", деган ўғитни қўллаган келмайди, аслида. Бироқ аҳён-аҳён бўлса-да, ўз мавқеи, манфаати йўлида раҳбарлик юки, масъулятини ўзгача нарқ элтадиган шахслар ҳам учраб қолади, беҳтиёр юрчимаги ўйлар кўнглидан кечади...

Жаҳонгир Йўлдошев ўзига тегишли ер участкасининг ҳужжатлари юзасидан Тошбулоқ шаҳарчасида жойлашган туман уй-жой қурилиш учун ер тақсимлаш секторига борганди. У ерда ҳамқишлоғи Зариф Розиков билан кўришиб қолди.

— Ирвадон қишлоғидаги анорзорни тендерда сотиб олдим, — деди З.Розиков, — Жами 54 сотих ер участкаси бор, бу дегани 9 норма ховли-жой. Агар харидор топиб сотишга кўмаклашсанг, қуруқ қўймайман, ер унудор, уялтириб қўймайди...

Бу тақдирдан Жаҳонгир бироз шошиб қолди. Чунки ҳозир ҳаммага ҳам ер керак, бироз қимматлигини ҳисобга олмаса (З.Розиков ҳар бир участка учун 6000 АҚШ доллари миқдорда нарх белгиллаганди), харидор топса бўлади.

Шахсий манфаат, озми-кўпми маблағ ортидан айрим инсонлар не ишларга қўл урмайди, дейсиз. Ж.Йўлдошев айтилган ер участкалари қонунийи, унинг сотилиши мумкинлиги ёки аксинча, қизиқиб кўрмади. Фақат харидор қидира кетди. Чунки З.Розиков унга яхшигина "доля" ваъда қилганди.

— Мен икки норма, яъни 12 сотих участка оламан, лекин сенлар айтган нархга эмас. Агар маъкул келса, 6000 АҚШ доллар пул бераман...

Наманган тумани МТП бошлиғи Тоҳиржон Отамирзаевнинг бу гапи телефон орқали бир зумда Зарифга етиб борди. Бироз иккиланган З.Розиков бошқаларга айтмаслик шарт билан бу нархга кўнди.

Ер савдосидан 92 миллион сўм

Хом сут эмган бандлар гўё хазина топиб олгандай «иш»га киришиб кетган эдилар. Аммо дунёнинг ҳисобли эканини унутганлари боис топганлари йўқотганларидан қимматга тушди.

— Менга ҳозир пул зарур, — деди у. — Шунинг учун бу нархга кўнаман. Аммо бошқа ҳеч кимга "6000" дан 1 цент ҳам кам бўлмайди, буни билиб қўй!

Икки кундан сўнг Тоҳиржон ака Жаҳонгирнинг уйига 6000 "кўн" ҳамда келишлганидек, ҳужжат учун паспорт нусхаларини келтириб берди.

— Мана бу сенинг ҳақинг, — деди Зариф Жаҳонгирга 100 доллари узатаркан. — Яна харидор топ! Ўзинг ҳам хурсанд бўласан. Миқозларга ҳужжатлар бир ҳафтада тайёр бўлишини айтивер.

З.Розиков сўзида турди. Ҳужжат масаласида миқозларни қўймамади.

— Раҳмат, — деди биринчи харидор Т.Отамирзаев, қўлидаги ҳужжатларни кўздан кечираркан. — Ҳаммаси жойида, фақат ерни ажратиб берсангиз бўлди. — Ҳозир фермерлар экин эккан, қудда ер ҳосилдан бўшлаган, шундай бормиз-у, ерга қозик санчамиз. Унгача бироз кутасизлар...

Бу гапдан кўнглига ғашлик индими, Тоҳиржон Зарифга ғалатиноқ қараб қўйди.

— Унда пул олганингиз ва ерни сотганингиз ҳақида бир парча қозғоқ қоралаб берасиз-да, ака! — деди ийманган қўйи.

— Ие, тилхат қўлингизда турибди-ку, қизик одам экансан, ҳужжатлар ҳаммаси жойида, бир жойидаги одам бўлсан, наҳот менга ишонмаётган бўлсангиз?

Бу гапдан Т.Отамирзаевнинг кўнгли тўлмади-ю, бироқ андишани юқори қўйди. З.Розиковнинг лафзига ишонди. Иккиламчи қўлидаги "қозғоқ"ларга давлат идорасининг муҳри босилган бўлса,

Мухаммадали ҚИРФИЗБОВЕВ,
Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

нимага иккиланган? Қозғоқ "гапирдику", бир кун...

Орадан икки кун ўтиб Жаҳонгирнинг ҳузурига хотинининг қариндоши Мўминжон Ибрагимовни бошлаб келди.

— Менга 5 норма ер керак, — деди гапни чўрт кесиб Мўмин ака, — бу ерда 4 норманинг пули. Қолганини бир ҳафтада олиб келаман, менга ҳужжатлар билан бирга пулларни олганинг ҳақида тилхат берасан...

30 миллион сўмнинг дарагини эшитган Жаҳонгирнинг оёғи олти бўлди. Ахир шунча пул осмондан ёлғизланиб келиб турибди-ю, шонимасини? Ўзини аранг қўлга олган Жаҳонгир "ҳаммаси жойида бўлади", деб гулдирди-да "миқоз"ни Зарифнинг олдида ғизиллатди. Пул олдида, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган Зариф ҳам Мўминжоннинг дангалчилигига тан берди ва ҳамма ишлар кўнглидаги битишига ваъда берди:

— Кўнглингиз хотиржам бўлсин, ака, ҳужжат масаласида қариндошингиз Тоҳиржон акадан сўраб-суриштириб олаверасиз.

— Мендан ер олганингиз ҳақида гапириб юрманган, илтимос, гап-сўз қайнамасин. Ерларни қудда бўлиб бераман.

Иш битди. 30 миллион Зарифнинг қиссасига тушди, бир ҳафта деганда тилхат ва ҳужжатлар Мўминнинг қўлига теғди.



Фермер масъулияти

Барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ ҳўжалигида ҳам тўб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундай ислохотларнинг амалга оширилишида Ўзбекистон Республикасининг "Фермер ҳўжалиғи тўғрисида"ги Қонуни муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унга кўра, фермер ҳўжалиғи ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ ҳўжалиғида товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи, мустақил ҳўжалик юритувчи субъект бўлиб ҳисобланади.

Фермер ҳўжалигининг бошлиғи шу ҳўжалиқнинг муассиси — фермердир. Ун саккиз ёшга тўлган, қишлоқ ҳўжалиғида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси фермер бўлиши мумкин.

Бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фермер ҳўжалиги номидан ана шу ҳўжалик бошлиғи иш кўради. Фермер ҳўжалиги бошлиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланади.

Фермер ҳўжалиги кишлоқ ҳўжали-
гига мўлжалланган ерларда ва захира
ерларда ташкил этилади. Деҳқончи-
лик маҳсулоти етиштиришга ихтисос-
лаштирилган фермер ҳўжаликларига
ижара бериладиган ер устакларари-
нинг энг кам ўлчами пахтачилик ва
ғаллачилик учун камида 30 гектарни
ташкил этади.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам

бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади.

Фермер ҳўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатиغا олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан давлат рўйхатиغا олинганидан кейин юридик шахс мақомини олади, банк муассасасида ҳисоб-китоб ва рағи ва бошқа хил ҳисобварақалар очишга, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлишга ҳақли.

Фермер ҳўжаликлари юритиш учун ер участкалари очик танлов асосида ижарага эллик йилгача булган, лекин ўттиз йилдан кам булмаган муддатга берилди. Фермер ҳўжалигига берилган ер участкаларидан катий белгиланган максдалда фойдаланилади. Улар ҳуссийлаштирилиши, шунингдек, олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти булиши ва иккиламчи ижарага берилиши мўкин эмас.

Фермер ҳўжалиги бошлиги вафот этган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш ҳўқуқи қонун ҳўжатларига мувофиқ ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддатига мерос бўйича ўтади.

Фермер хўжалиги фаолиятини текшириш (молия-хўжалик фаолиятини текширишлар бундан мустасно), давлат ахтиёжлари учун маҳсулот реализация қилиш шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки ер тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари бузилганлигига далиллар бўлган, шунингдек, ягона ер солиғи ўз вақтида тўланмаган ҳолларда, ижарага олиш шартномасига му-

Ш.КҮШОКОВ.

Қарши шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

вофиқ ижарага берилган ер участкасидан фақат белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш масалалари бўйича, белгиланган тартибда амалга оширилади.

Янги ташкил этилган фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилиши мўмкин эмас.

Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан истиҳойъ воқе кечилганда, фермер ҳужаљиги банкрот деб топиљ- ганда, фермер ҳужаљигининг бошлиғи вафот этиб, ҳужаљик фаолиятини да- вом эттиришни хоҳловчи меросхўр бўлмаганда, давлат ва жамият эҳти- ёжлари учун ёки ер тўғрисидағи қонун ҳужжатларини бузганлиқ учун, шу жум- ладан, фермер ҳужаљиги ер участка- сидан белгиланган мақсадда фойда- ланмаганида, хусусан контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ ҳужаљиги экинларини екани- да ер участкасини олиб қўйиш зару- рати бўлган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгилан- ган тартибда бекор қилинган тақдир- да фермер ҳужаљиги тугатилади.

2011 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фер-

мер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қўнунчилиikka роя этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармонга кўра, фермер хўжаликлари давлат мулки бўлган ер майдонларини ижара шартномасини тузиш йўли билан узоқ муддатли ижарага бериш асосида, фермер томонидан шартномада назарда тутилган тегишли мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда ташкил этилади.

Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир барча масалалар маҳаллий ҳокимият органлари ёки бошқа ваколатли органларнинг даъволари асосида суд орқали ҳал қилинади.

Маълумки, фермер ҳўжаликлари ер майдонларини ижарага олиш шартномасининг шартларига риоя этишлари, ижарага берилган қишлоқ ҳўжалик экин майдонларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишлари, контрактация шартнома-сида назарда тутилган қишлоқ ҳўжалик экинлари етиштиришлари, ижарага берилган қишлоқ ҳўжалик экинзорлари-дан рационал фойдаланишлари, ка-дастр баҳосида белгиланган миқдорда ҳосил олишлари, фермер ҳўжаликлари билан тайёрлов ташкилотлари харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномаларининг шартларини бажаришлари, фермер ҳўжалигики фойланти-ни самарали юритишлари, моддий-тех-ник ресурслари, ишлар ва хизматлари-ни етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблари мунтазам равишда амалга оширишлари лозим.

Фермер ҳўжаликлари томонидан қайд этилган мажбуриятларини бажармаслик, шунингдек, уч йил давомида норматив кадастр баҳосидан паст ҳосил олиш, контрактация шартномаларининг шартларини уч йил давомида бажармаслик, ҳўжалик фаолиятини самарасиз ва паст рентабелли юртиш, контрактация шартномаларида белгиланмаган қишлоқ ҳўжалик экинларини экиш, ишлар ва хизматлари етказиб бериувчилар билан ҳисоб-китобларни мунтазам равишда амалга оширмаслик ҳўлатлари фермер ҳўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир судга даъво аризалари қўзғатилишига асос бўлади.

Ушбу Фармон қабул қилингунга қадар фермер ҳужалиқларини қайта ташкил этиш, фермер ҳужалиқларининг ер майдонларини оптималлаштириш маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари билан амалга оширилган бўлиб, ушбу ваколатнинг судларга ўтказилиши фермер ҳужалиқларининг ҳуқуқ ва манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилинишига, фермер ҳужалиқлари томонидан қишлоқ ҳўжалиғи соҳасидаги ислохотларни изчиллик билан амалга оширилишига хизмат қилади.

[illegible]

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" MCHJ

Бухоро вилоят филиали очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳмама-сининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори, Бухоро вилояти, Қорақўл туман ҳокимининг 2011 йил 4 мартдаги 136-сонли, Жондор туман ҳокимининг 2010 йил 25 декабрдаги 1107-сонли, Пешку туман ҳокимининг 2011 йил 26 февралдаги ва 2011 йил 13 августдаги 93-сонли, Қоравулбозор туман ҳокимининг 2010 йил 27 апрелдаги 210-сонли, Бухоро туман ҳокимининг 2011 йил 2 июндаги 292-сонли қарорлари ҳамда Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 15 августдаги 30а-сонли ва 14 сентябрдаги 31а-сонли буйруқларига асосан фуқароларга яққа тартибда уй-жой қуриш учун қуйдаги ер майдонларига бўлган мерос қилиб қолдирилгадиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи бошлангич баҳоסי ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдо-ларга чиқарилмоқда:

1. Қорақўл шаҳар, Дўстлик кўчасида жойлашган "Шахло ЭБ" тижорат корхонаси ҳудудидан яқка тартибда уй-joy қуриш учун, ҳар бирининг ҳажми 400 кв.метрдан иборат, (1,2-сонли) 2 та ер майдонлари. Ҳар ер майдонида бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳо-си — 375 200 сўмдан.

2. Жондор ШФИ, Дўстлик кўчаси худудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 300 кв.метрдан иборат 1 та ер майдони. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 689 400 сўм.

3. Жондор ШФЙ, Дўстлик кўчаси ҳудудидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 1 та ер майдони. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 919 200 сўм.

4. Пешку тумани, Ибн Сино ҚФЙ, Афшона қишлоғи ҳудудидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ҳар бирининг ҳажми 400 кв.метрдан иборат, (1,2,3,4,5,6,7,8 ва 9-сонли) 9 та ер майдонлари. Ҳар ер майдониға бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 420 000 сўмдан

5. Пешку тумани, Қорақалпоқ ҚФЙ, Қорақалпоқ кишлоғи ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун ҳар бирининг ҳажми 400 кв.метрдан иборат (1,2,3,4,5 ва 6-сонли) 6 та ер майдонлари. Ҳар ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич ҳақиси — 300 000 сўмдан.

6. Коровулбозор тумани, Тинчлик МФЙ, Бобур кўчаси ҳудудидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ҳар бирининг ҳажми 400 кв.метрдан иборат (17 ва29-сонли) 2 та ер майдонлари. Ҳар ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 95 400 сўмдан.

7. Коровулозор тумани, Тинчлик МФЙ, Жамбул кучаси хуудидан якка тартибда уй-жой куриш учун хар бирининг хажми 400 кв.метрдан иборат (35,66,68,70,71,72,73,74,75,76 ва 77-сонли) 11та ер майдонлари. Хар ер май-донига булган хукукнинг бошлангич бахоси — 95 400 сумдан.

8. Бухор тумани, Работипоён ҚФЙ, Работипоён қишлоғи ҳудудидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 1 та ер майдони. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 1 056 000 сўм.

"Очиқ аукцион" савдолари 2011 йил 24 октябрь кuni соат 11:00 да "Қўчмас мулк савдо хизмати" МЧЖ Бўхоро вилоят филиалида ўтказилади.

Мазкур ер майдонлари бўйича аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2011 йил 20 октябрь куни соат 18:00 да тўхта-тилади.

Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келимига қатнашиш, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КМКС" МЧК Бухоро вилоят филиалининг кўйидаги ҳисоб рақамга тўлаши лозим ОАТ "Турон банк" Бухоро филиали Мустақиллик йили банкдаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000304920609016, МФО: 00111, СТПР 27122519.

2011 йил 24 октябрь кuni ўтказилган аукцион савдоларида сотилмаган ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2011 йилнинг 31 октябрь ва 7, 14 ноябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдоларга ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Кўшимча маълумотлар учун "Савдо ташкилотчиси" — "Кўчмас мулк савдо хизмати" МЧЖ Бухоро вилоят филиалининг манзили: Бухоро шаҳар. Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қavat, телефонлар: (8365)223-71-36, 223-71-30. rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR-0001

60 ёшингиз муборак бўлсин



Одий ишчи оиласида туғилган Бахтиёр Жуманиёзов меҳнат фаолиятини жуда эрта бошлади. У дастлаб Хонка пахта тозалаш заводида чилангарга шогирд тушди. Оз бўлса-да даромад топиб оиласига ёрдамлашди. Ёшликдан ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилган Бахтиёр ака мактабни тамомлагач, Тошкент Давлат университети-нинг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди ва уни 1974 йилда муваффақиятли тугатди.

Прокуратура идораларидаги фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг йўлнамаси билан Хазорасп туман прокуратурасида иш ўрганувчилардан бошлади. Кейинчалик эса Хонка, Янгиарик ва Урганч шаҳар прокуратураларида терговчи, Хоразм вилоят прокуратурасида катта терговчи, Хоразм вилоят прокурорининг ички ишлар идораларида тергов ва суриштирув олиб бориш устидан назорат қилиш бўйича катта ёрдамчиси, тергов бўлими бошлиғи, Урганч шаҳар прокурори ўринбосари, Урганч туман прокурори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютаси оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси Урганч шаҳар бўлими бошлиғи вазифаларида сидқидилдан меҳнат қилди, обрў-этибор топди. Устозларининг берган ўғитларига асосан, қонун устуворлиги, адолатпарварлик, ҳақгўйлик унинг кундалик шиори бўлиб келди.

Ҳозирги пайтда у Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси матбуот гуруҳида фаолият кўрсатиб, профилактика-тарғибот ишларининг олиб борилишига катта ҳисса қўшмоқда. Оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларида жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да тадбиркорлик субъектларини химоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, фаолиятидаги турли тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, шунингдек, солиқ базасини кенгайтириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаси", — дейди биз билан суҳбатда Бахтиёр ака Жуманиёзов.

Прокуратура идораларидаги 38 йиллик фаолияти давомида эгаллаган ўз билим ва тажрибаларини ёш мутахассисларга ўргатиб келаётган Бахтиёр ака бугун 60 ёшни қаршиламакда.

Қутлуг 60 ёшингиз муборак бўлсин, ҳурматли устоз! Сизга ва оила аъзоларингизга соғлиқ, хонадонингизга тинчлик ва осойишталик тилаймиз. Оилангиз, дўсту қадрдонларингиз, шогирдларингиз, фарзандларингиз ва набираларингиз бахтига доимо омон бўлинг!


Хоразм вилоят прокуратураси ва СВОХДЛКК Департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси жамоалари

Саҳо судланди

Франциянинг ПСЖ клуби ҳимоячиси Мамаду Саҳо Le Parisien нашри журналистини ўрганликда айбланмоқда. Шу муносабат билан футболчи судланди, жарима тўлашга мажбур этилди.

2010 йилнинг февраль ойида Le Parisien нашри журналисти ПСЖ клуби иштирокида ўтган учрашувлардан бири якунига етгандан сўнг, клуб кийиниш хонасига таклиф этилган. У ерда фақатгина клуб ходимлари бўлган, холос. Бегоналар кийиниш хонасига киритилмаган. Шундан сўнг Саҳо журналистга ташланган ва унга бир неча бор зарбалар берган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозим, Саҳо суднинг иккинчи инстанцияси томонидан айбдор деб топилган. Ушбу ишни кўриб чиққан биринчи суд ҳаками футболчининг айбини тўлиқ исботланмаган деб топган эди.



Спорт

Нихоят Неймар «Реал»да



Кейинги пайтда Испания икки грант жамоаси ўртасидаги ўзига хос пойга майдон ичида ҳам, ташқарисида ҳам жиддий кўриниш олди. Хабарингиз бор, ёнги трансфер бозори вақтида "Реал" ва "Барселона" жамоалари бразилиялик 19 ёшли иккидор эгаси Неймарни ўз таркибларига қўшиб олиш учун астойдил кураш олиб боришди. Аммо Неймарнинг ўзи жамоасидан кетиш нияти йўқлигини айтиб, "Сантос"да қолишни маъқул кўрган эди. Шундай бўлса-да, мадридликлар осонликча таслим бўлишни исташмади. Охир-оқибат "Реал" ва "Сантос" жамоалари мутасаддилари Неймар хусусида кели-

шувга эришди. Трансфер қиймати 60 миллион еврога ташкил этади. Магса газетасининг хабарига кўра, Мадрид клуби футболчиға 6 йиллик шартнома таклиф этган. Йиллик маош эса 7 миллион еврога ташкил этади. Энди Неймар "Реал"га Лондон 2012 Олимпиада мусобақалари тугагач, келиб қўшилади.


Маълумотларга қараганда, Мадриднинг "Реал" ва Бразилиянинг "Сантос" клуби ёш ҳужумчи Неймар билан боғлиқ хабарларни кенг оммага ошкор қилмасликка қарор қилдилар.

Бундан ташқари, икки клуб ўзаро ўртқилик учрашуви ўтказиш борасида ҳам келишувга эришганлар.

Бобик футболчи энди маслаҳатчи

Хабарингиз бор, 2008 йилда "ПСЖ" таркибиде иштирок этган Клод Макелеле ўтган мавсумда ўз фаолиятини якунлаган эди. Энди "ПСЖ" клубида иш олиб боради. 38 ёшли франциялик футболчи жамоанинг маслаҳатчиси лавозимига сайланди. У клубнинг директорлари кенгаши аъзолари билан ҳамкорлик қилади.

Бош мураббийликка номзодлар



Италия оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга қараганда, Роберто Баджо "Интер" бош мураббийлигига даъвогарлик қилмоқда. Айни дамдаги мураббий Гасперининг тақдирини "А" сериянинг кейинги турда ҳал бўлиши мумкин. Агар миланликлар яна юта олмаса, у ҳолда клубга Клаудио Раньери, Делио Росси ёки Роберто Баджолардан бири бош мураббий этиб тайинланиши мумкин. Эслатиб ўтамиш, Гасперининг ўрнига, шунингдек, Луиш Фигуинг ҳам номзоди илгари сурилмоқда.

Мухлислар норозилиги

Голландиянинг "Фейеноорд" клуби мухлислари жамоа офисига ҳужум уюштирдилар. Мухлислар клуб раҳбарияти томонидан олиб борилаётган ишдан норози бўлганлар ва истефого чиқишларини талаб қилмоқдалар.

Ҳужум 17 сентябрь кўни кечки вақт амалга оширилган. Мухлислар турли хил темир асбоблар ва бошқа турдаги буюмлар билан қуролланиб олган эдилар.

Энг ашаддий мухлислардан тўрттаси полиция томонидан қўлга олинган.

Интернет хабарлари асосида
Максудали КАМБАРОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий ўқув курслари жамоаси ва Фахрийларни ихтиомий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Абдурашид МАННОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокуратурасининг катта прокурори Абдуқодир Донаевга волидаги муҳтарамаси Майрам ованинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Нуқуқ» газетаси тахририяти жамоаси жамоатчи мухбиримиз Муҳаммадjon Маҳмудовга синглиси Кимёхон ованинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV,
Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy GOIPOV,
Svetlana ORTIQOVA,
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat YODGOROV (mas'ul katib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko' chirib
bosish faqat tahririyat ruxsati bilan
amalg oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni
uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-2752. 51 890 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Nashratchi muharrir: Sh.YODGOROV
Musahhih: M.DAMBAROV
Nashratchi: O'DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-yl
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

